

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

БУРИЕВ АМАНУЛЛА

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ИЛМИЙ МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
(DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Тошкент – 2019

Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси мундарижаси

Оглавление докторской диссертации в виде научного доклада

Content of the doctoral dissertation as a scientific report

Буриев Аманулла Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси	3-50
Буриев Аманулла Историческая география Центральной Азии в письменных источниках эпохи Темуридов	51-99
Buriev Amanulla Historical geography of Central Asia in Manuscripts of Temurids epoch	100-103
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	104-110

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**УДК: 930.2:913(5)
Қўлёзма ҳуқуқида**

БУРИЕВ АМАНУЛЛА

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ИЛМИЙ МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
(DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Тошкент – 2019

Илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018. 4. DSc/Tar122 рақам билан рўйхатга олинган.

Тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бажарилган.

Илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори диссертацияси (DSc) уч тилда - ўзбек, рус ҳамда инглиз (резюме) тилларда Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.beruni.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович

тарих фанлари доктори, профессор

Бабаджанов Бахтиёр Мираимович

тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мадраимов Абдумажид Абдураимович

тарих фанлари доктори, профессор

Тожиева Зулхумор Назаровна

география фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори диссертация ҳимояси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tar.44.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” “_____” куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (+99871) 262-54-61, факс: (+99871) 262-52-77, e-mail: beruni1@uznet.net).

Илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори диссертация билан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (+99871) 262-54-61.

Н.Э.Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

О.А.Қориев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Э.З.Нуриддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори диссертациянинг аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар ва унинг таъсирида юз бериши мумкин бўлган ҳалокатлар хавф солмоқда. Бу муаммолар Бирлашган Миллатлар ташкилотининг иқлим ўзгариши муаммоларига бағишлаб 2015 йил Парижда ўтказилган 21-конференция якунида қабул қилинган Конвенциясида яна бир бор эътироф этилиб, ташкилотга аъзо мамлакатлар олдига бурч ва мажбуриятлар юклагани бежиз эмас¹. Мазкур Конвенция талаблари ўз навбатида табиатни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан бирга, сайёрамизда юз берган экологик ўзгаришларни илмий асосда ўрганишни ҳам тақозо этмоқда. Бу соҳадаги изланишларни олиб боришнинг муҳим йўналишларидан бири, ёзма манбалар тадқиқи бўлиб, улар сайёрамизнинг яқин ўтмишида юз берган географик ўзгаришлар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Турли даврларда яратилган бундай ёзма манбалар ўзида инсониятнинг асрлар давомида жамлаган географик билимлари билан бирга, одамзоднинг яшаши учун зарурий бўлган ер ва сув ресурслари, фойдали қазилмалар, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ маълумотларни жамлаган.

Дунёда шарқшуносликка оид тадқиқотларда аждодларимизнинг турли фан соҳаларига бағишлаб ёзилган асарлари алоҳида илмий аҳамиятга эга. Мазкур ёзма ёдгорликлар минтақанинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ўтмиши билан бирга, унинг табиати, ер-сув захиралари ҳамда фойдали қазилмалари, қишлоқ хўжалиги тарихини ўрганишда бирламчи манба вазифасини бажаради. Қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тарихи билан бирга иқлими, этник таркиби ва жой номларини ўрганишда янги илмий натижалар бериши шубҳасиз.

Мазкур тадқиқотда қўлга киритиладиган илмий ютуқлар Ўзбекистонда илм-фан ва қатор ижтимоий тармоқлар, жумладан, аждодларимизнинг табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссасини ва ёзма меросини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш, минтақа иқлими ва табиат ресурслари ҳақида бир неча асрлик маълумотлар базасини яратиш ва улардан бугунги замонавий тадқиқотларда фойдаланиш имконини беради. Республикада илмий соҳада олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш, Ўзбекистон ҳудудининг тарихий географиясини ёзма манбалар асосида тадқиқ этиш, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг Ер ҳақидаги билимлари ва тўплаган илмий-амалий тажрибаларидан фойдаланиш зарурати мавжуд. Бу йўналишдаги тадқиқотлар минтақанинг табиати, ер ва сув ресурслари ҳамда фойдали қазилмаларидан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш билан бирга, ёш авлодда экологик маданият ва табиатни асраб авайлаш туйғусини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масаланинг бу каби жиҳатларини назарда тутган ҳолда илмий маъруза шаклидаги

¹ www.un.org/sustainabledevelopment/ru/cop21/

диссертация сифатида тақдим этилаётган “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси” номли тадқиқот бевосита Марказий Осиё тарихий географиясини Темурийлар ҳукмронлиги даври мисолида ўрганишга бағишланган. Танланган мавзунинг долзарблиги Амир Темури асос солган ушбу салтанатнинг қудрати фақатгина сиёсий-ҳарбий ютуқлар билан эмас, балки минтақада ер ва сув захираларидан оқилона фойдаланиш, ирригация, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик ва халқаро логистикада қўлланилган инновацион ғоялар ҳам муҳим роль ўйнаганини асослаб беришга қаратилгани билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони² ҳамда 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори³ шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Марказий Осиё тарихий географиясини жаҳон миқёсида ёзма манбалар маълумотларига таяниб ўрганиш фанда XIX асрдан бошланган ва турли соҳа мутахассислари – тарихчилар, шарқшунослар ва географлар бу йўналишда изланишлар олиб борганлар ва уларнинг бир қисми Темурийлар даври ёзма манбаларига ҳам дахлдор.

Бу йўналишдаги тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Австрия фанлар академияси (Австрия), Тожикистон Фанлар академияси (Тожикистон), Колумбия университети (АҚШ), Ҳамбург ва Байроут университетлари (Германия), Кэмбриж университети (Буюк Британия), Эге ва Маданият университетлари (Туркия) ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Амир Темури ва Темурийлар даври тарихий географияси бўйича жумладан қуйидаги натижалар олинган:

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 8 февраль, №28 (6722). – Б.1.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 25 май, №103 (6797). – Б.1.

⁴ www.ras.ru; www.oeaw.ac.at; www.anrt.tj; www.columbia.edu; www.uni-hamburg.de; www.uni-bayreuth.de; www.cam.ac.uk; www.ege.edu.tr; www.medeniyet.edu.tr

Амир Темур ва темурийлар давлат бошқарувида туркийлик анъаналари, кўшни мамлакатлар билан дипломатик алоқаларининг сиёсий муаммолари ёритилган (Ege Üniversitesi, Туркия); Амир Темур, Мирзо Шоҳрух ва Мирзо Улуғбекнинг Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳамда ривожлантириш йўлида Хитой билан бўлган элчилик алоқалари сабаблари очиб берилган (University of Tokyo, Япония); Хитой империясининг Самарқандга, Амир Темур саройига юборган элчиликлари ва сафар тафсилотлари тадқиқ этилган (University of Columbia, АҚШ); Хитой элчилигининг Темурийлар салтанатининг пойтахти Ҳирот шаҳрига сафари ўрганилиб, XV аср бошидаги Темурийлар ва Хитой ўртасидаги дипломатик муносабатлар ҳолати очиб берилган (University of Hamburg, Германия); Евроосиё минтақасида халқаро савдо алоқалар ривожидида Буюк Ипак йўлининг ривожланиш тарихида Темурийлар даврига энг юксалган давр сифатида баҳо берилган (University of Cambridge, Буюк Британия); Темурийлар давлатининг маъмурий, молиявий ва ҳарбий муассасалари иш юритиш тизимлари (Istanbul Medeniyet Üniversitesi, Туркия). Темурийлар салтанатининг жанубий сарҳадлари, яъни Хуросон вилояти ва унинг маркази бўлмиш Ҳирот шаҳри тарихий географияси ва табиати тавсифига қаратилган. Жумладан, олиб борилган изланишлар натижасида Хуросоннинг Темурийлар бошқаруви йилларидаги маъмурий-худудий тузилиши ўша давр манбалари асосида ёритиб берилган (University of Bayreuth, Германия); Кобул шаҳрининг географик ҳолати ва табиатининг хусусиятлари, демографик ҳолати аниқланган (Тожикистон Фанлар академияси Тарих институти, Тожикистон); Темурийлар давлати пойтахти Ҳирот шаҳрининг маъмурий қисмлари ва ирригация тизими умумлаштирилиб янги хулосалар берилган (The Institute of Iranian studies at the Austrian Academy of Sciences, Австрия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё тарихий географияси, Темурийлар даври ёзма меросига таянган ҳолда, яхлит илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Мавжуд изланишлар эса, ўрганилаётган муаммонинг айрим қирраларини (шаҳарлар топографияси, халқаро савдо йўллари, тарихий топонимия, аҳоли масканларининг локализацияси, ёзма манбаларни илмий муомалага киритиш, ўртаосиёлик олимлар илмий меросини оммалаштириш ва этник тарихи) камраб олади⁵.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассаса илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф1-027 “Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари” ва ПЗ-20170922224 “Марказий Осиё тарихига оид манбалар нашри (ЎзР ФАШИ фонди ёзма

⁵ Диссертант мазкур мавзу бўйича тадқиқот жараёнида бир неча монография чоп қилган: Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997 - 165 б.; Бўриев О. “Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати. – Тошкент: Наврўз, 2015 – 140 б.; Гиёсиддин Накқош. Хитой сафари кундалиги. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи О.Бўриев. – Тошкент: Mashhur-press, 2017. – 160 б. (ўзбек, рус ва инглиз тилларида); Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Тошкент: Mumtoz So‘z, 2017. – 352 б.

манбалари асосида)» мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот билан боғлиқ ҳолда бажарилган⁶.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихий географиясини Темурийлар даври ёзма манбалари асосида ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марказий Осиё тарихий географиясига оид тадқиқотларга қисқа шарҳ бериш ва бевосита Темурийлар даври ёзма манбаларига дахлдор мавзуга оид ишларни таҳлил қилиш;

Темурийлар даври ёзма манбаларидаги Марказий Осиё тарихий географиясига оид маълумотларни аниқлаш ва уларнинг илмий қийматини кўрсатиш;

Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий бўлиниши ва этник-худудий ҳолатини Темурийлар даври манбаларидаги маълумотларга таяниб ёритиш ва муҳим ўзгаришларни қайд этиш;

XIV-XV асрларда Марказий Осиё табиати ва хўжалик ривожига ҳақида ўша давр ёзма маълумотларининг илмий ва амалий аҳамиятига баҳо бериш;

Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги халқаро алоқалари географиясини ёзма маълумотларга таяниб таҳлил қилиш;

Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё худуди бўйича қайд этилган топонимларни йиғиш, системага солиш ва Марказий Осиё тарихий географиясидаги аҳамиятини кўрсатиш;

Тадқиқотнинг объектини Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихий географияси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини Темурийлар даври ёзма манбаларидаги Марказий Осиё тарихий географиясига оид маълумотлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ҳозирги тадқиқотда, унинг тарихий география йўналишида эканлигини ҳисобга олиб, тарих, география ва тилшунослик талабларига таянган ҳолда, улар учун умумий бўлган ёзма манбалардаги маълумотларни таснифлаш, статистика, қиёсий ўрганиш, таҳлил асосида хулоса қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амир Темур давлатининг ташкил топиши билан жаҳон сиёсий харитасида янги маъмурий-худудий ўзгаришлар юзага келгани, Осиё, Европа ва Африка қитъаларида кўп давлатлар сиёсий-маъмурий жиҳатдан Амир Темурга бўйсунгани, XV асрда Заҳириддин Бобур Афғонистон худудида мустақил давлат ташкил этгани асослаб берилган;

Шаҳарлар уч йўналишдаги – пойтахт шаҳарлар, Буюк ипак йўли бўйлаб барпо қилинган шаҳарлар ва Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шарқий чегараларидаги муҳофаа аҳамиятига молик шаҳарлар тизимида ривожлангани, Амир Темурнинг бевосита ташаббуси билан биринчи марта,

⁶ Диссертация иши раҳматли устозим тарих фанлари доктори марҳум Асом Ўринбоев раҳбарлигида бошланган. Қимматли маслаҳатлари учун уларга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Самарқанд шаҳри ва унинг яқин атрофи мисолида, шаҳар ва унинг атрофини комплекс ривожлантириш тизими йўлга қўйилгани асослаб берилган;

Буюк Ипак йўли, айниқса унинг Мовароуннаҳр-Хитой ва Мовароуннаҳр-Ҳиндистон тармоқлари бевосита Амир Темур томонидан қайта тиклангани, Мирзо Шохруҳ ҳукмронлигида элчилик алоқалари денгиз йўли орқали Ҳиндистон ярим оролининг жанубий чеккаларини ҳам қамраб олгани исботлаб берилган;

Амир Темур ва Темурийлар даврида бутун салтанат бўйлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури доирасида янги суғориш тармоқлари яратилгани, суғорма деҳқончилик ривожлангани, мева ва полиз экинларининг сара навлари яратилгани, янги шаҳарлар барпо этилгани аниқ мисолларда кўрсатилган; бу даврдаги бунёдкорлик ишлари Темурийлар ренессанси учун бош омил бўлгани қайд этилган.

Халқаро муносабатларда Амир Темур ва авлодларининг изчил дипломатик сиёсати воситасида савдо-элчилик алоқалари кенгайгани ва Евросиёда ягона иқтисодий макон шакллангани Темурийлар даври ёзма манбалари маълумотлари асосида исботлаб берилган;

Темурийлар даври манбаларида келтирилган жой номлари таҳлили асосида, илк бор Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги топонимик ҳолати илмий таҳлил қилинган; топонимларнинг умумий сони ва турлари, вақт кўламида топонимларнинг сақлангани, ўзгариши ва этимологияси, топонимларни ўрганишда ёзма манбаларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Темурийлар давлати, XIV–XV асрларда Марказий Осиё, XIV–XV асрларда Марказий Осиёнинг этник ҳолати номли янги хариталар тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор ёзма манбалар асосида Амир Темур ва Темурийлар давлатидаги территориал ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар, жумладан, марказлашган йирик давлат барпо этилиши ва маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими акс этган. “XIV-XV асрларда Марказий Осиё” номли харита ишлаб чиқилган ва нашр этилган;

Марказий Осиёнинг этник гуруҳлар жойлашуви билан боғлиқ айрим муаммоларга аниқлик киритилиб, ўрганилаётган даврда Фарғона водийсида *қипчоқ, қавчин, жалойирлар*, Бухорода *арғунлар*, Хоразмда *қўнғиротлар*, Қашқадарёда *қавчин, барлос ва дуғлотлар*; Сурхондарёда *сулдузлар* жойлашгани аниқланган. Олинган натижалар асосида “XIV–XV асрларда Марказий Осиёнинг этник ҳолати” номли харита чизилган ва нашр этилган;

Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги табиати ва хўжалиги (иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами), Амир Темур ва авлодларининг бунёдкорлик фаолияти (суғорма деҳқончилик ва шаҳарсозликка қаратилган катта эътибор), Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси, Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги топонимияси ёзма манбалардаги янги маълумотлар билан тўлдирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу илмий тадқиқот доирасида Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги тарихий географиясини бевосита Темурийлар даврига оид ёзма манбалар, биринчи навбатда географик ва тарихий асарлар маълумотлари таҳлили орқали амалга оширилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари Марказий Осиё тарихий географиясини ўрганишдек долзарб мавзунинг маълум бир тарихий давр - XIV-XV асрлардаги ҳолатини илмий жиҳатдан ёритиш нуқтаи назаридан муҳим саналади. Қолаверса, тадқиқот натижаларидан турли соҳа мутахассислари, биринчи ўринда тарихчи ва географлар ўз илмий изланишларида ҳамда олий ўқув юртларида Марказий Осиёнинг тарихий географияси, этник ҳолати, тарихий топонимияси, халқаро алоқалари географиясини ўрганишда қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Ушбу тадқиқот маълумотлари, шунингдек, Марказий Осиёда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни илмий ёндашув асосида ҳал этиш, Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо йўллари инфраструктурасини такомиллаштириш, Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш каби масалаларни ҳал этишда ҳам бевосита амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси” номли илмий тадқиқот жараёнида эришилган натижалар асосида:

Амир Темур давлатининг ташкил топиши билан жаҳон сиёсий харитасида янги маъмурий-худудий ўзгаришлар асосида Темурийлар давлатининг янги харитаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 17 апрелдаги 3/1255-1182-сон ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 4 майдаги 02-08-3579-сон маълумотномалари). Харита “История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов” номли нашрда мазкур давлатнинг чегаралари ва маъмурий худудий тузилишини самарали ёритишга хизмат қилган;

Амир Темур ва Темурийлар салтанати худудидаги топонимлар бўйича ишлаб чиқилган илмий-изоҳли маълумотлар базаси Темурийлар тарихи давлат музейида олиб борилган “Амир Темур энциклопедиясини тузиш ва нашрга тайёрлаш” мавзудидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 17 апрелдаги 3/1255-1182-сонли хати). Илмий-изоҳли маълумотлар базаси ўрганилаётган даврдаги 100 га яқин аҳоли манзилгоҳлари ва географик жой номларининг келиб чиқиши, тарихи ва бугунги локализациясини аниқлаштириш имконини берган;

Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси ҳамда савдо йўлларидаги божхоналар тарихига оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси буйруғи асосида чоп этилган “Божхона иши тарихи” номли илмий нашрда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 25 апрелдаги 04-05/3-03486-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Амир Темур ва Темурийлар давлатида божхоналар фаолияти савдо йўллари фаолияти билан боғлиқ бўлгани ва хорижий мамлакатларга экспорт қилинган маҳсулотларни аниқлашга ҳисса қўшганини кўрсатди;

Амир Темур ва Темурийлар давлатида бунёдкорлик ишлари, халқаро савдо-элчилик муносабатлари тарихи доирасида қўлга киритилган илмий янгиликлар 2000-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг бир қатор телеканалларида эфирга узатилган махсус кўрсатувларда давомли тарзда бериб борилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 28 мартдаги 05-15/1039-сонли хати). Эришилган натижалар республика ҳукуматининг Амир Темур ва Темурийлар тарихини тадқиқ этиш ва ёшлар ўртасида тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларини самарали амалга оширишга ҳисса қўшган;

Ўзбекистон ҳудудидаги шу жумладан, Тошкент воҳаси тарихий жой номлари билан боғлиқ маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссияси фаолиятида амалда фойдаланилган (Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг 2017 йил 25 майдаги 04-1126-сонли хати). Тадқиқот натижалари Тошкент шаҳри ва вилоятидаги аҳоли манзилгоҳлари ҳамда табиий ландшафт билан боғлиқ жой номларига аниқ манбалар асосида аниқлик киритиш ва тиклаш имконини берган;

Темурийлар даври манбалари тадқиқи ҳамда уларнинг илмий-изоҳли таржималарини илмий муомалага киритиш йўналишида амалга оширилган ишлардан Ўзбекистон тарихи хрестоматиясининг XI-XV асрлар даврини ўз ичига олган қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд 2-китоб. XI-XV асрлар. – Т.: Фан, 2014. – 454 б.). Мазкур ёзма манбалардан таржималар Темурийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳолати, халқаро муносабатлар тарихи ҳамда Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини ўрганиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та илмий конференцияда, жумладан 9 та халқаро (Бухоро, 1997; Урганч, 1999; Анқара, 2007; Санкт-Петербург, 2011; Тошкент, 2013; Самарқанд, 2014; Голландия (Universiteit Leyden), 2016; Тошкент, 2017; Туркистон, 2018) ва 10 та республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 73 та илмий иш чоп этилган. Шулардан хорижий нашрлардаги мақола ва тезислар - 7 та, Ўзбекистонда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлар материалларидаги мақолалар - 6 та, Ўзбекистонда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлардаги маърузалар тезислари - 3 та, монография ва рисоалар жами 10 та (шундан монографиялар - 6 та (жумладан 1 та ўқув қўлланма), рисоалар - 4 та), ҳаммуаллифликда чоп бўлган китоблар - 5 та, мақолалар: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар - ОАК рўйхатига кирган журналларда чоп бўлган мақолалар - 14 та, Ўзбекистонда тўпламларда чоп бўлган мақолалар - 28 та.

Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг тузилиши. Маъруза шаклидаги диссертация кириш, беш боб, хулоса ва эълон қилинган илмий ишлар рўйхатидан иборат.

ИЛМИЙ МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблиги илмий назарий ва амалий нуқтаи назардан кўрсатилиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Тадқиқотнинг объекти ва предмети, унда кун тартибига кўйилган муаммонинг фанда ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалар, тадқиқот усуллари хусусида айtilган. Илмий изланишлар асосида бажарилган ишнинг илмий янгилиги, натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши ва апробацияси асослаб ёзилган. Тадқиқот юзасидан эълон қилинган ишлар ва унинг таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Темурийлар даври Марказий Осиё тарихий географиясига оид илмий тадқиқотлар ва манбалар шарҳи”** номли биринчи боб тадқиқот доирасида ҳал қилиниши кўзда тутилган муаммонинг тарихшунослик ва манбашунослик масалаларига бағишланган. Унда Темурийлар даври Марказий Осиё тарихий географиясининг фанда ўрганилиши ва ёзма манбаларнинг ўрни хусусида сўз боради. Марказий Осиёни тарихий географик жиҳатдан ўрганиш араб, форс, туркий, хитой тиллардаги манбалар ҳамда археологик маълумотлар асосида олиб борилган. Илмий изланишларда Марказий Осиё тарихий географиясининг турли томонлари ёритилган: шаҳарлар топографияси (Н.Э.Каримова, С.Муроди, К.Нолле-Карими, А.М.Маликов)⁷, савдо йўллари йўналишлари ва тарихи (Ю.Ф.Буряков, Н.Э.Каримова, О.Бўриев, А.Колганов, Ў.М.Мавлонов, А.Ходжаев)⁸, давлат ва маъмурий бошқарув тизими (Ж.Вудс, И.Ака, Х.Алан

⁷ Каримова Н.Э. Чэн Чэнг манбаларида Марказий Осиё шаҳарлари // Шарқшунослик. – Тошкент: Фан, 2002, №11. – Б.66-73; Муроди С. Кабул в исторических источниках. Автореф. дис. канд ист. наук. – Душанбе, 2002; Nolle-Karimi Ch. The Pearl in its Midst: Herat and the Mapping of Khorasan from the Fifteenth to the Nineteenth Centuries. – Wien, 2014; Маликов А.М. История Самарканда (с древних времен до середины XIV века). – Ташкент: Paradigma, 2017. – 336 с. ва б.

⁸ Буряков Ю.Ф. Торговые пути и их роль в урбанизации бассейна Яксарга // На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. – Ташкент: Фан, 1990. – С.106-116; Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. (по материалам китайских источников). – Ташкент, 2005. – 186 с.; Буряков Ю.Ф. Сведения Хафиз-и Аbru о взаимоотношениях Средней Азии с Китаем в XV в. // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XVI вв. Т.: Фан, 1987. – С.24-37; Буряков Ю.Ф., Колганов А. Об одном участке Великого Шелкового пути // Сб.: На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. – Т., 1990. – С.106-116; Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: Akademiya, 2008. – 431 б.; Аблат Ходжаев. Великий Шелковый путь: связи и судьбы (на основе китайских источников и литературы). – Т., 2016. – 430 с.

ва бошқ.)⁹, тарихий топонимия (Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов, А.Муҳаммаджонов, А.Г.Малявкин, Х.А.Бўриева, О.Бўриев)¹⁰, аҳоли масканларининг локализация масалалари (Ю.Ф.Буряков, А.М.Беленицкий ва б., Ш.С.Камалиддинов)¹¹, маълум бир муаммо бўйича ёзилган ишлар (А.Муҳаммаджонов, С.Азимжонова, Н.Д.Ходжаева)¹², ёзма манбаларни илмий муомалага киритиш ва уларнинг тарихшунослиги масалалари (А.Аҳмедов, Ш.С.Камалиддинов, А.Ўринбоев, О.Бўриев, Н.Иброҳимов, П.Г.Булгаков, Б.Аҳмедов, Д.Ю.Юсупова, А.Хўжаев, С.Ғуломов)¹³, айрим

⁹ Woods J. Timurid dynasty (Central Asia). Papers on Inner Asia. No14. – Bloomington, Indiana, 1990; Aka I. Mirza Şahruh ve Zamani (1405-1447). – Anqara, 1994; Alan H. Bozirdan Cennet bahçesine. Timurlilar (1360-1506). – Istanbul, 2007. – 340 s.

¹⁰ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Ташкент, 1965; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Ташкент, 1981; Ҳасанов Ҳ., Бўриев О. Ал-Хоразмий географияси. – Т., 1983; Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т.: Фан, 1988; Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Т.: Ўзбекистон, 1970; Қораев С. Тошкент топонимлари. – Т.: Фан, 1991; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Т., 2005. 240 б.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Ўзбекистоннинг жанубий районлари. – Т.: Ўқитувчи, 1988. 290 б.; Бўриева Х.А. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Т.: Noshirlik yog‘dusi, 2009. – 221 б.; Бўриева Х.А. Тошкент шаҳри жой номлари тарихидан (1917-1980 йиллар). – Т.: Akademiya, 2012. – 122 б.; Бўриев О. “Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати. – Т.: Наврўз, 2015. – 140 б.; Бўриев О. Амир Темур бунёдкорлигининг топонимлардаги инъикоси / «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият», мавзусидаги халқаро илмий конференция (2017, Тошкент). Темурийлар даврида илм-фан ва маданият: халқаро илмий конференция тезислари, 13-14 сентябр 2017 й. – Т.: Akademiashr, 2017. Б.35-36 (ўзбек тилида); Б.155 (инглиз тилида).

¹¹ Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л., 1973. – 390 с.; Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб” Абу Са’да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас Сам’ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т., 1993.

¹² Муҳаммаджонов А. Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Т.: Фан, 1972. – 373 б.; Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии. – М., 1977. – 176 с.; Темур ва Улугбек даври тарихи. – Т., 1996. – 264 б.; Ходжаева Н.Дж. Историческая география Центральной Азии по данным “Авесты” и пехлевийских источников. Автореф. дис. канд ист. наук. – Душанбе, 2000.

¹³ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов. – Т., 1983; Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб”; Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. – Т., 1960; Ўринбоев А., Бўриев О. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд биринчи қисм, 1405-1429 йиллар воқеалари; II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар, 1429-1470 йиллар воқеалари. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи – Асомиддин Ўринбоев. Географик номлар изоҳли кўрсаткичи О.Бўриев томонидан тузилган. Тошкент: O‘ZBEKISTON, 2008. I жилд, – 631 б.; II жилд, – 831 б.; Бўриев О. Амир Темур ва темурийлар тарихига оид манбаларнинг Эронда чоп этилиши // Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти. – Тошкент: Академнашр, 2015. Б.70; Гиёсиддин Наққош. Хитой сафари кундалиги. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: Mashhur-press, 2017. – 160 б. (ўзбек, рус ва инглиз тилларида); Бўриев О. Гиёсиддин Наққош “Сафарнома”си манбалар ва тадқиқотларда // “Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши”. VIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. 2015 йил 20 октябрь. 8-китоб. – Т., 2016. Б.30-38; A Persian Embassi to Chine; being an extract from Zubdatu’t Tawarikh of Hafiz Abru, transl. by K.M.Maitra, – Lahore, 1934; Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг Ўзбекистонда ўрганилиши / Амир Темур ва Темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. Тошкент - 2016 йил 9 апрель. – Т.: Mashhur-press, 2017. – Б. 29-36; Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т., 1993. – 102 б.; Кази-Заде Руми. Комментарий на «Компендий астрономии» Чагмини. Предисловие, перевод с арабского языка и примечания П.Г. Булгакова. – Т.: Фан, 1993. – 216 с. (35 рисонок); Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. – Т., 1985; Айтбаев А.А. Қадимги Фарғона тарихидан. Тошкент: Фан, 2002. – 107 б.; Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира. – Т.: Фан, 2006. 325 с.; Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). – Т.: Наврўз, 2015. 332 с.; Гулямов С. Отражение внешних связей Государства Тимура в сборниках Инша: вопросы текстологического анализа и проблема аутентичности / Сборник тезисов конференции “The Timurid Period: Cultural Production, Exchange and Legacies”. – Лейден. 2016. – P.9-

ўртаосиёлик олимлар илмий меросини оммалаштириш (Ҳ.Ҳасанов, Б.Аҳмедов, О.Бўриев)¹⁴, Марказий Осиё халқлари этник тарихини ёритиш (К.Шониёзов, А.Айтбаев, О.Бўриев, К.Ш.Шониёзов, А.Асқаров)¹⁵.

Марказий Осиё тарихий географиясини Темурийлар даври ёзма манбаларига таяниб ўрганиш фанда XIX аср иккинчи ярмидан бошлангани маълум ва улар ушбу муаммонинг айрим қирраларига дахлдор. В.В.Бартольд тадқиқотларида Марказий Осиёнинг сувлари, вилоятлари, шаҳарлари, хўжалиги, этник ҳолати, тарихий обидалари, айниқса Амударёнинг XIV–XV асрларда Каспий денгизига қуйилгани ва Орол денгизининг ҳолати¹⁶, унинг “Ислом энциклопедияси” да чоп қилган мақолаларида Марказий Осиёнинг сувлари (Амударё, Орол денгизи, Балхаш, Сирдарё, Иртиш, Исикқўл, Или, Чағонруд), вилоятлари (Бадахшон, Бодғис, Фарғона, Туркистон, Тўхористон, Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуттал, Қоратегин, Манғишлоқ, Тибет), аҳоли масканлари (Оқсарой, Ахсикат, Андижон, Банокат, Бухоро, Гурганж, Қарши, Кеш, Кошғар, Кот, Тошкент, Чимкент, Термиз, Турфон), этник ҳолати (дуғлат, қипчоқ, манғит, тожик, туркман) ёритилган.

Географ олим Ҳ.Ҳасанов Темурийлар даври ёзма меросига икки йўналиш - фан тарихи (география фани тарихи) ва Марказий Осиё тарихий географияси йўналишлари бўйича мурожаат қилган. Унинг “Бобир сайёҳ ва табиатшунос” номли рисоласида “Бобурнома” даги Марказий Осиё бўйича жой номлари ва географик атамалар, аҳоли масканлари орасидаги масофалар, Мовароуннаҳр (Ўзбекистон, хусусан, Фарғона водийси) ва Афғонистоннинг географик тавсифи – иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ов қилинадиган ҳудудлар бўйича маълумотлар келтирилган; карталар тузилиб (жой номлари, Фарғона водийси) илова қилинган¹⁷. Темурийлар даврида Ўзбекистон ҳудудидаги этник ҳолат хусусида К.Шониёзов мақола чоп қилди ва А.Асқаров “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” асарининг “Амир

11; Котиб Чалабий. “Жаҳоннома”. – Қўстантаня, 1145/1732. – С.166-188; Хараби М. Джуграфия-йи Хафиз-и Аbru. Кисм-и Хурасан. Хират. – Тегеран, 1971 (форс тилида); Касим ибн Юсуф Абу Наср Хараби. Тарик-и кисмат-и аб-и кулб (Ба мукаддима ва тахшия ва тархих ва талик-и Майил Хараби. – Техран: Интишарат-и Бунёд-и Фарҳанг-и Иран, 1347/1968 (форс тилида); Krawulsky D. Horasan zur Timuridenzeit nach dem Tarih-e Hafez-e Abru (verg. 817-823 h.) /Ed. und Einleitung D. Krawulsky. – Wiesbaden: Dr. Ludwig Reichert verlag, 1982;

جغرافیای حافظ ابرو: جلد اول تا سوم به تصحیح صادق سجادی و جلد چهارم تا ششم به تصحیح علی آل داوود VI-I جلد 1375-1378 تهران: بنیان: دفتر نشر میراث مکتوب، 6

¹⁴ Ҳасанов Ҳ. Ўртаосиёлик географ ва сайёҳлар. – Т., 1964. – 252 б.; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – 262 б.; Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (кадимги ва ўрта асрлар). – Т., 1992; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 168 б.

¹⁵ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1971; Айтбаев А.А. Чин ва Мочин. – Тошкент: Фан, 2006. – 160 б., Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар // ЎзМУ хабарлари. Махсус сон. – Тошкент, 2013. Б.38-41; К.Ш.Шониёзов . Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: O‘zbekiston, 2015. – 672 б.

¹⁶ Бартольд В.В. Хафиз-и Аbru и его сочинения. Сочинения, т. VIII. – М., 1973. – С.74-97; Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. Сочинения, т. II, ч.1. – М., 1963. – С.21-106; Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана. Сочинения, т. VII. – М., 1971. – С.33-226; Бартольд В.В. К истории Мерва. Сочинения, т. IV. – М., 1966. – С.115-138; Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Сочинения, т. III. – М., 1965. – С.97-233; Бартольд В.В. О погребении Тимура. Сочинения, т. II, ч.2. М., 1964. – С.423-454; Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа. Сочинения, т. II, ч. I. – М., 1963. – С.545-623.

¹⁷ Ҳасанов Ҳ. Бобир – сайёҳ ва табиатшунос. – Т.: Ўзбекистон, 1983.

Темур ва Темурийлар даврида этник жараёнлар ва ўзбек адабий тилининг шаклланиши” номли ўн тўртинчи бобида Темурийлар давридаги этник тарихга қисқача тўхталиб ўтган¹⁸.

Марказий Осиё тарихий географиясининг бир йўналиши, ўлканинг халқаро алоқалари ва савдо йўллари ҳолати тарихидан иборат ва ҳозирги диссертацияда мазкур мавзу бир нечта йирик регион – Мўғулистон, Хитой, Дашти Қипчоқ, Жанубий ва Ғарбий Осиё, Европа мамлакатлари тартибида таҳлил қилинган. Бунда тадқиқотчилар Амир Темур ва Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик муносабатлари масаласига катта эътибор берганлар ва бу ҳақда европа, япон ва ўзбекистонлик олимлар томонидан бирламчи манбаларни ўрганиш асосида чоп этилган қатор илмий мақолалар мавжуд¹⁹. Марказий Осиёнинг Хитой билан савдо алоқалари тарихи диссертант томонидан Темурийлар даври ёзма манбалари асосида чоп қилинган бир қанча мақолалар ва китобларда ҳам ўз аксини топган. Бу соҳада хитойшунос олима Н.Каримова хитой манбалари асосида монография чоп қилди ва докторлик диссертацияси ёқлади²⁰.

Марказий Осиё тарихий географияси бўйича маълумотлар Амир Темур ва Темурийлар даврида ёзилган манбалардан ўрин олган ва улар мазмун жиҳатдан тўрт гуруҳни ташкил қилади: тарихий мазмундаги манбалар, географик асарлар, вақф ҳужжатлари, хитой манбалари.

Тарихий мазмундаги манбаларни хронологик жиҳатдан икки қисмга бўлиш мумкин: Амир Темур салтанати тарихи манбалари ва Темурийлар тарихига оид манбалар. Мазкур манбаларда Марказий Осиё географиясига оид маълумотлар тарихий воқеалар баёнида тарқоқ шаклда учрайди ва уларни жамлаб, бир тизимга келтириш анча мураккаб жараён.

Амир Темур салтанати тарихига оид манбалардан *Ғиёсиддин Али*. “Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон” (“Ҳиндистон муҳорабаси кундалиги”) да Афғонистоннинг шарқий (Қофиристон) қисмининг табиати, савдо йўллари, сувлари, аҳоли масканлари тўғрисида маълумот акс этган. Амир Темурнинг ҳаётлигида, бевосита унинг топшириғи билан ёзилган *Низомиддин Шомий*нинг “Зафарнома” ва *Ҳофизи Абрु*нинг мазкур асарга ёзган иловаси - “Зайли Зафарномаи Шомий”да, шунингдек, ушбу тарихчининг Амир Темур ва Мирзо Шохрух салтанати тарихини (1427 йилгача) ўз ичига олган “Зубдат

¹⁸ Шониёзов К. Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркиби // Шарқшунослик, №7. – Т.: Минҳож саховат нашриёти, 1996. – Б.143-153; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: O‘zbekiston, 2015 – Б. 462-472..

¹⁹ Ртвеладзе Э.В. Китайские посольства ко двору Амира Темура и Темуридов // Общественные науки в Узбекистане. №7-10. 1996. – С.54-61; Bretshneider E. Mediaeval Researches from Eastern Asiatic Sources. – London, 1910. Reprint. – New York, 1967; Franke W. An Introduction to the Sources of Ming History. – Kuala-Lumpur 1968; Carrington Goodrich I. Ch’en Ch’eng in Ch’ing chu Chiang Wei-t ang Ksien-sheng ch’i-shik jung-ching Lun-wen-chi. – Taipei. 1968; Enoki K. Tsung-le’s mission to the Western regions in 1378-1382 // Oriens Extremus. – Wiesbaden, 1972. № 19; Enoki K. Fu An’s Mission to Central Asia // Memories of the Research Department of the Toyo Bunko. Tokyo. 1977. №35; Rossabi M. Cheng Ho and Timur: Any relations? // Oriens Extremus. Wiesbaden. 1973. №20; Rossabi M. Two Ming envoys to Asia // G’oung Pao. V.LXII; 1-3. – Leiden, 1976; Hecker F.J. A fifteenth century Chinese diplomat in Herat // Journal of the royal Asiatic Society. Third series. V.3. – London, 1993.

²⁰ Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая.

ат-тавориhi Бойсунғурий” (826–830/1423–1427 йилларда ёзилган) ва *Шарафуддин Али Яздий* томонидан Амир Темур салтанати тарихига бағишланган энг мукаммал тарихий асар саналмиш “Зафарнома”да (822 /1419-828/1424–1425 йилларда ёзилган) тарихий воқеалар баёнида Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий ва аҳолининг этник-худудий ҳолатлари, табиий география ва хўжалик географияси, ҳарбий юришлар йўналишлари, давлатлараро элчилик ва савдо алоқалари, савдо йўллари, бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумотлар ўрин олган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг “Муқаддима” қисмида Марказий Осиёнинг Чигатой улуси таркибидаги маъмурий-худудий ҳолати ҳам берилган.

*Муиниддин Натанзий*нинг “Мунтахаб ат-таворих” (816/1413 йили ёзилган) асарида Чигатой улуси ва Амир Темур салтанати тарихи баёнидан Марказий Осиё тарихий географиясига тегишли айрим маълумотлар (маъмурий-худудий бўлиниш, топонимия) олиш мумкин.

Темурийлар тарихига оид манбаларда Марказий Осиёнинг XV асрдаги географиясига тегишли маълумотлар мавжуд. Улар *Ҳофизи Аbruнинг* “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий” (1427 йилгача), араб тарихчиси *Ибн Арабшоҳнинг* Амир Темурга бағишланган “Ажойиб ал-мақдур фи-тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”, 1436 йили ёзилган), *Фасиҳ Аҳмад ибн Хавофийнинг* “Мужмали Фасиҳий” (1441 йилда ёзилган), Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус”, *Абдураззоқ Самарқандийнинг* Марказий Осиёнинг 1430–1470 йиллар оралиғидаги тарихи ўрин олган “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (872–875/1467–1470 йилларда ёзилган), *Муиниддин Исфизорийнинг* Ҳирот шаҳрининг 875/1470-1471 йилгача тарихи ва топографияси ақс этган “Равзат ул-жанноти фий авсофи мадинати Ҳирот”, *Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонднинг* “Равзат ас-сафо” (умумий тарихга оид асар, етти жилддан иборат, олтинчи ва еттинчи жилдларда Амир Темур ва Темурийлар салтанати тарихи берилган, 1467 йилдан то 1523 йилгача воқеалар тарихчининг набираси Хондамир томонидан ёзилган), *Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг* “Тарихи Рашидий” (952/1546 йили ёзиб тугалланган, Марказий Осиёнинг XV–XVI аср биринчи чораги тарихи анча мукаммал) асарларида қайд этилган.

Мазкур манбаларда Марказий Осиёнинг маъмурий-худудий ҳолати (йирик маъмурий бўлинишлар: Мовароуннаҳр, Хуросон, ҳозирги Афғонистон худуди, Бадахшон, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ; кичик маъмурий бўлинишлар: суюрғоллар; Шохрух, Улуғбек, Абусаид, Абулқосим Бобур, Султон Ҳусайн, Султон Аҳмад ҳукмдорликларидаги маъмурий-худудий ўзгаришлар), аҳолининг этник-худудий ҳолати (туркманлар, барлослар, қавчинлар, арлотлар, қозоқ-ўзбеклар, тожиклар, никударийлар, ҳазораларнинг яшаш жойлари; аҳоли миграцияси ва ҳ.к.), табиати (рельеф, иқлим, сувлар, дарё кечувлари, овчилик ва ов худудлари), хўжалиги (шаҳарлар, қўрғонлар, шаҳарлар топографияси, ободончилик ишлари ва ҳ.к.) Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси (элчиликлар), зиёратгоҳлар, жой номлари бўйича маълумотлар бор.

“Тарихи Рашидий” асарининг ўзига хос томони, унда Марказий Осиёнинг шарқий қисми, яъни Мўғулистон ва Шарқий Туркистоннинг XV аср 2-ярмидаги маъмурий-худудий ҳолати (вилоятлар, шаҳарлар, жумладан, маъмурий марказлар), аҳолиси (этник таркиби, жойлашиши, ҳаёт тарзи, миграция жараёни ва ҳ.к.), табиати – рельефи (тоғлар, дашт ва чўллар), иқлими, сувлари (дарёлар, кўллар), ўсимлик ва ҳайвонот олами), хўжалиги (чорвачилик, жумладан, яйлов чорвачилиги, деҳқончилик), бунёдкорлик ишлари, савдо йўллари ва манзиллар, аҳоли масканлари орасидаги масофалар, топонимикаси хусусида маълумотлар ўрин олган.

Географик манбалар таркибига бевосита географик асарлар, сафарномалар ва мемуар шаклидаги асарлар киради.

Руи Гонсалес де Клавихо. “Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги”. Клавихо Кастилия (ҳозирги Испания)дан Амир Темур давлатига Самарқандга элчи бўлиб келган (1403-1406 йиллар) ва кўрган-кечирганларини кундалик тарзида ёзиб қолдирган. Унда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг тарихий географияси – савдо йўллари, рельефи, сувлари, аҳоли масканлари, шаҳарлари (айниқса Кеш ва Самарқанд топографияси), деҳқончилик, боғдорчилик (шу жумладан, Самарқанд атрофидаги боғлар тафсилоти), Амир Темурнинг Мовароуннаҳрдаги бунёдкорлик ишлари муфассал ёритилган.

Ҳофизи Абру. “География”. Асарда Марказий Осиё тарихий географиясига оид маълумотлар - Мовароуннаҳрнинг географик тавсифи, иқлими, хусусан, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол ва Каспий денгизлари (Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши), йирик шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Термиз, Кеш, Қарши), Хуросоннинг географик тавсифи (вилоятлар, булуқлар, шаҳарлар, қишлоқлар, сув тармоқлари, экинзорлар), соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Шохрух ҳукмдорликлари чоғида қилинган бунёдкорлик ишлари, Темурийлар давлатининг Хитой билан элчилик муносабатлари ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилган.

Ғиёсиддин Наққош. “Хитой сафари кундалиги” (1419-1422 йилларда ёзилган). Темурийлар давлати ҳукмдори Мирзо Шохрух салтанатида Темурийлар давлати билан Хитой ўртасида Амир Темур томонидан қайта тикланган қадимги Буюк Ипак йўли орқали савдо ва элчилик алоқалари ривожини тарихидан сўзловчи манба. Хитой императорининг таклифи билан Темурийлар давлатидан катта элчилар гуруҳи 1419-1422 йилларда Хитойга бориб келади. Ушбу сафарда Бойсунғур Мирзонинг элчиси сифатида қатнашган Ғиёсиддин Наққош мазкур шахзоданинг топшириғи билан барча кўрган-кечирганларини ёзиб борган ва мазкур “Кундалик” Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий” асарида берилган шаклда бизгача етиб келган.

Ғиёсиддин Наққош “Кундалиги”да Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё орқали ўтган тармоқлари, унда жойлашган шаҳарлар, манзиллар, карвон йўллари ўтган жойларнинг ер юзаси, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, хўжалиги, аҳолиси кабилар ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг мемуар услубида ёзилган “Бобурнома” асари асосан, муалифнинг ўз кўрган-кечирганлари баёнидан иборат ва мазмун жиҳатдан иккита мавзу – тарихий ва географик мавзуларни ўз ичига олади. Марказий Осиё тарихий географияси бўйича маълумотлар асарнинг бошланиш қисмида (Мовароуннаҳр 899/1493 – 909/1503–1504 йиллар тарихи баёнида қисқача, 903/1497-1498 йил, яъни Бобур Самарқандда бўлган пайт воқеалари баёнида бир мунча муфассал, сўнгра то 914/1508-1509 йилгача ҳозирги Афғонистон ҳудуди) баён қилинган. Асарнинг охири қисмида, аниқроғи 925/1519–1520 – 936/1529 йиллар кечмишларида эса Ҳиндистон тарихи (бевосита 932/1525 йил воқеаларида Ҳиндистоннинг тарихий географияси) берилган.

Мовароуннаҳрнинг тарихий-географик тавсифида унинг чегаралари, Фарғона вилояти (водийси) ва унга ёндош ҳудудларнинг ХУ аср 2-ярмидаги маъмурий-ҳудудий ҳолати, табиати, сувлари, кўрғон ва қасабалари, Самарқанд шаҳри топографияси (иклими, кўрғони, туманлари, обидалари, сувлари, тоғлари, мевалари, қишлоқ хўжалиги – полиз экинлари, Амир Темур яратган боғлар, Улуғбекнинг ободончилик ишлари, шаҳар атрофидаги жойлар – туманлар, ўланлар, Бухоро, Кеш, Қарши, Хузор шаҳарлари ҳақида географик маълумотлар, Самарқанддан айрим вилоятларгача бўлган масофа, жой номлари ҳақида маълумот бор.

Афғонистоннинг жанубий қисмида жойлашган Кобул ва Ғазни вилоятларига анча кенг географик тавсиф берилган. Уларнинг географик ўрни, чегараси, маъмурий-ҳудудий ҳолати, аҳолиси, иклими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, хўжалиги (жумладан, боғдорчилик), овчилик, йўллар (шу жумладан, савдо йўллари), халқаро савдо марказлари (Кобул, Қандаҳор), ободончилик ишлари (ариклар қаздириб сув чиқариш, боғ-роғлар яратиш, экинзорлар барпо этиш, иморатлар қуриш ва ҳ.к.), жой номлари, Ҳирот шаҳрининг топографияси анча муфассал ёритилган.

Хожа Аҳрорнинг вақф ҳужжатларида Хожа Аҳрор Валийга тегишли Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қарши вилоятлари ва Афғонистонда жойлашган 400 та ишлов бериладиган ер мулки, 64 та қишлоқ ва уларга тегишли экинзорлар, 30 та шаҳар атрофидаги боғлар, 11 та шаҳар ҳовлилари, ўнлаб савдо-хунармандчилик расталари (*тим*), ҳаммомлар, тегирмонлар ва бошқа мулклар ҳақида ёзилганлар бевосита Мовароуннаҳр тарихий географиясини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларда хўжаликка оид (ўз даврида олиб борилган ободончилик ишлари, боғлар, экинзорлар, суғориш тармоқлари), шаҳарлар топографияси (бозор, ҳаммом, масжид, мадраса, тегирмон ва б.), жой номлари (айниқса микротопонимлар – кичик географик объектлар) ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Шунингдек, Ҳофизи Аbruнинг “География” асарида девон дафтарларидан олинган Хуросоннинг географик тавсифига оид маълумотлар ҳам ана шундай ҳужжатлар сирасига киради.

Хитой тилидаги манбалардан Хитойнинг XIV-XVII асрлар оралиғидаги тарихи анча мукамал акс этган солнома – “Мин ши лу” (“Мин сулоласи

императорлари ҳукмронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар”)да тарихий кечинмалар йилма-йил ёзилган бўлиб, унда 1388–1398 йиллар оралиғида Хитойга Мовароуннаҳрдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани қайд этилган. Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги элчилик муносабатларида хитой дипломатлари Фу Ань ва Чень-Чен ном қозонганлар. Улар ёзиб қолдирган эсдаликларда Марказий Осиё тарихий географияси – табиати, хўжалиги (жумладан, деҳқончилик ва боғдорчилик), шаҳарлари, савдо йўлларига оид муҳим маълумотлар бор.

Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг **“Темурийлар салтанатида Марказий Осиё маъмурий - ҳудудий бўлиниши ва этник-ҳудудий ҳолатининг ёзма манбалардаги инъикоси”** номли иккинчи бобида Марказий Осиёнинг Амир Темур салтанатидаги маъмурий – ҳудудий бўлиниши, XV асрда Марказий Осиё маъмурий-ҳудудий картасидаги ўзгаришлар ва Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё аҳолисининг этник-ҳудудий ҳолати ҳақида сўз боради.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё, Амир Темур салтанатга келгунга қадар, яъни мўғуллар ҳукмронлиги даврида Чигатой улуси таркибида бўлганлиги сабабли, ўша давр асосий тарихий манбаларида аввало Чигатой улуси тарихи ва унинг маъмурий-ҳудудий ҳолати баён қилинган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима”сида Чигатой улусининг чегараси шарқда найманлар юртидан ғарбда Амударёгача кўрсатилган, пойтахт Бешбалиғда бўлган²¹. Амир Темур ҳокимиятга келгунга қадар улусни Чингизхон авлодлари (Чигатойхон, Қара-Ҳулогухон, Ёсун-Мункэ, Арғана-хотун, Олқў, Муборакшоҳ, Буроқхон, Бекшихон, Тўқатемурхон, Дуво-Чечанхон, Кўнжакхон, Талийқухон, Эсан-Буқо, Кебекхон, Илчигдай, Ўкрохон, Тармаширинхон, Бўрон, Жингшухон, Йисун Темурхон, Муҳаммад, Қозон Султон) бошқарганлар²².

Чигатойхон наслидан Муборакшоҳ тахтга ўтирган пайдан (1263 й.) бошлаб Чигатой улусининг ғарбий қисми – Мовароуннаҳрнинг сиёсий ўрни кучайиб боради. Улус ҳукмдорлари ўз қароргоҳларини Мовароуннаҳрга кўчирадilar. Шу даврда ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмлари ҳам Чигатой улуси таркибида бўлган, ҳатто Кебекхон (1318–1325) ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудида Қарши шаҳрини барпо этиб, пойтахт деб эълон қилади. Ундан кейин ҳокимиятга келган Тармаширинхон (1325-1328) ва Қозон-Султонхон (1332–1347) ҳукмдорликлари йилларида ҳам Қарши шаҳри Чигатой улусининг пойтахти эди.

1347 йилдан бошлаб Чигатой улусининг маъмурий-ҳудудий ҳолатида жиддий ўзгариш юз берди, аниқроғи Мовароуннаҳрда Амир Қазаған бош кўтариб Чигатой улусининг хони Қозон-Султонхонни ўлдиради ва ҳокимиятни ўз қўлига олади. Шундан сўнг Чигатой улуси икита маъмурий

²¹ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №4472. Фотомаксимил нашр. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А.Ўринбоев. – Т., 1972, 75а варақ.

²² Ўша асар. 746-82аб варақлар.

бирликка бўлиниб, ғарбий қисми тарихий номи билан Мовароуннаҳр, шарқий қисми Мўғулистон деб аталди.

Мовароуннаҳрда ҳокимият амирлар (Амир Қазаған, амирзода Абдуллоҳ, Амир Ҳусайн, Амир Темур) қўлига ўтгандан кейин ҳам улар, эл-улусдаги заруратни ҳисобга олиб, бошқарув тизимида номига Чингизхон наслидан хон бўлиши анъанасини сақладилар; Донишманджаҳон, Баёнқулихон, Темуршоҳ-ўғлон, Кобулшоҳ Рўжи, Одилсултон, Суюрғатмишхон, Султон Маҳмудхон ушбу анъанага кўра тайинланган хонлар эдилар.

XV аср ўрталарида Мовароуннаҳрда ички феодал тарқоқлик авжига чиқиб, унинг маъмурий-худудий ҳолатида ҳам акс этди. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да ёзишича, Кеш шаҳри ва унинг ён-атрофларини Ҳожи Барлос, Хўжандни амир Боязид жалойир, Самарқандни амир Хизр ясавурий, жанубий худудларни амир Ҳусайн, Балхни Улжой-Буғо сулдуз, Шибирғонни Муҳаммад-хожа апарди, Бадахшонни ўз шоҳлари, Хатлон ва Арҳанг вилоятларини Кайхусрав ва Улжойту апарди бошқарганлар²³.

Чиғатой улусининг шарқий қисми – Мўғулистон тахтини эгаллаб турган Туғлуқ-Темурхон мавжуд вазиятдан фойдаланиб, 1360 йили Мовароуннаҳрга кўшин тортиб уни забт этди ва собиқ Чиғатой улуси худудини тиклашга муваффақ бўлди.

Кейинги ўн йил давомида Амир Темур мустақиллик учун курашиб, ниҳоят ўз давлатини яратди ва Мовароуннаҳр бу давлатнинг асосий қисми бўлиб қолди.

Амир Темур буюк салтанат тузгач, уни маъмурий-худудий идора қилишда суюрғол тизимидан кенг фойдаланди. Шу аснода у энг йирик худудларни ўғилларига ёки невараларига бўлиб берганди: Хуросонни дастлаб Мироншоҳга²⁴, сўнгра Мирзо Шоҳрухга, ҳозирги Афғонистон худуди дастлаб Амир Жокуга, кейинроқ, Ҳиндистонни ҳам кўшиб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга, Эронзамин ва унга ёндош мамлакатларни аввал Мироншоҳга, сўнгра унинг ўғли Мирзо Умарга²⁵. Мазкур худудда, шунингдек, Мироншоҳнинг Хонзодадан туғилган ўғли Халил Султонга, Умаршайхнинг ўғиллари Мирзо Искандар, Пирмуҳаммад ва Мирзо Рустамга ҳам мулклар белгиланган эди. Мовароуннаҳрдан шарқдаги ўлкалар Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилинган. Андигон ва унинг атроф ерлари Мирзо Умаршайхга иқтои хосса қилиб белгиланган эди²⁶.

Айни пайтда, Амир Темур ўзи эгаллаган мамлакатларнинг айримларини бошқаришни ўша жойнинг ўз ҳукмдорларига қолдирганди. Дашти Қипчоқ ва Жўчи улуси (Олтин Ўрда)ни Жўчихон авлодига, Рум мамлакатини Йилдирим Боязид авлодига, Миср мамлакатини эса Миср султониغا бошқаришга қолдирди. Мозандарон вилоятлари бошқарувини ҳам ўз ҳокимларига

²³ Ўша асар, 946 -95а варақлар.

²⁴ Ўша асар, 164б варақ.

²⁵ Ўша асар, 449б варақ.

²⁶ Ўша асар, 405а варақ.

берганди²⁷. Марказий Осиёда Мовароуннаҳр бевосита Амир Темурнинг ўз ҳукми доирасида бўлган.

Хоразм мўғуллар истилоси даврида маъмурий-худудий жиҳатдан икки қисмга бўлинган: Чингизхон Хоразмнинг катта шимоли-ғарбий қисмини Жўчига ва кичикроқ жануби-шарқий қисми, у ердаги Кот ва Хива шаҳарларини Чиғатойга берган эди. Х1У асрнинг 60- йилларида Хоразмни бошқариб турган²⁸ *қўнғиротлар* вакили Ҳусайн Сўфи Олтин Ўрдада тахт учун кураш натижасида вужудга келган сиёсий заифлик чоғида ўз мавқеини мустаҳкамлади ва Хоразмда сўфилар сулоласига асос солди. Сўнгра у Чиғатой улусидаги тарқоқликдан фойдаланиб, Хоразмнинг жануби-шарқий қисмини ҳам ўз мулкига қўшиб олди²⁹.

Амир Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятга келгач, ўзини Чиғатой улусининг қонуний ҳукмдори ҳисоблаб, Кот ҳамда Хива шаҳарларини тобе ерлари билан бирга қайтариб беришни талаб қилади. Бироқ бу талаб қондирилмади ва Амир Темур 1372-1388 йиллар оралиғида беш марта Хоразмга юриш қилиб, уни тўла эгаллади. Шундан сўнг Хоразм маъмурий жиҳатдан Амир Темур давлати таркибида вилоят мақомида бўлган.

Марказий Осиёнинг шимолий қисми – ҳозирги Қозоғистон ҳудуди Али Яздий “Зафарнома”сида Дашти Қипчоқ номи билан тилга олинган. Маркази – Сигноқ шаҳри. Амир Темур бу жойларни дастлаб Тўхтамишхонга берганди, кейинчалик у ерга ўз амирларидан ҳоким тайинлади.

Марказий Осиёнинг шарқий қисми – Мўғулистоннинг ғарбий чегараси Темурийлар даври аксари ёзма манбаларида Еттисувдан, аниқроғи Ашпара шаҳридан ўтган. Мўғулистоннинг шарқий қисмини Мирзо Ҳайдар “Манглай-Субе” деган ном билан атаган.

Амир Темур 1389 йили Мўғулистонни ўз тасарруфига киритиб, унинг бошқарувини мазкур ўлканинг хони Хизрхожахонда (1389–1400) қолдиради ва унинг қизи Тугал-хонимга уйланади. У 1404 йил кузида Кониғилдаги катта тўйда Мовароуннаҳрдан шарқдаги ҳудудлар, жумладан, Мўғулистонни Мирзо Шохрухнинг ўғиллари Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилади ва бу ҳақда махсус ярлиғ имзолайди.

Амир Темур вафотидан сўнг Марказий Осиё маъмурий-худудий картасида бошқарув тизимида кечган сиёсий воқеалар билан боғлиқ маълум ўзгаришлар юз берди ва унинг васиятига хилоф тарзда, Самарқандда салтанат тахтини Халил Султон эгаллади. Лекин унинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги тўрт йилдан ошмади ва Темурийлар давлати бошқаруви тўла Мирзо Шохрух ихтиёрига ўтди; у Мовароуннаҳрни ўғли Мирзо Улуғбек номига белгилади.

“Матла ас-саъдайн”да қайд этилишича, Мирзо Шохрух Ҳисори Шодмонни Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн мирзо Муҳаммад Султонга, Мовароуннаҳрнинг шарқий қисми Ўзганд ва Кошғар вилоятларини Амирак

²⁷ Ўша асар, 445а варақ.

²⁸ Ўша асар, 146 а варақ.

²⁹ Ўша асар, 146 а варақ .

Аҳмад ибн Мирзо Умаршайхга суюрғол қилган. Шунингдек, Балх ва Тўхористон вилояти ҳукумати Кобул ва Бадахшон чегарасигача Иброҳим Султонга аталган³⁰. Бадахшон вилояти Мироншоҳнинг ўғли амир Ийжил ихтиёрига берилган бўлса-да, бироқ у мухторият ҳуқуқига эга эди ва ўз шоҳлари томонидан бошқариларди, бевосита Ҳиротга бўйсунарди.

XV асрда Хоразмнинг маъмурий-худудий ҳолатида ўзига хос ўзгаришлар юз берди ва улар нафақат Темурийлар давлати, балки Дашти Қипчоқда кечган тарихий воқеалар билан ҳам боғлиқ бўлган. Хоразмни 1391-1406 йилларда Амир Темур томонидан тайинланган амир Мусака идора қилган, 1406 – 1413 йилларда бу вилоят Олтин Ўрда ҳукми доирасига ўтди ва шу вақт давомида Хоразмни дастлаб амир Идику тайинлаган ҳокимлар амир Анко ва Бағалжа, сўнгра амир Идикунинг ўзи, у Дашти Қипчоққа қайтгач ўғли Муборакшоҳ бошқарганлар. 1413 йили Хоразмни Мирзо Шоҳрух эгаллайди ва уни амир Шоҳмаликка бутунлай (*дарбаста*) суюрғол қилади, унинг вафотидан (1426 й.) сўнг, ўрнига ўғли Иброҳим Султонни Хоразм ҳокими этиб тайинлайди³¹.

Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси 1446 йилгача Темурийлар давлатига қараган, XV асрнинг 40-йилларида Абулхайрхон ўз давлати чегараларини жануб томонга кенгайтди ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги Сифноқ шаҳри 1446-1468 йиллар давомида ушбу давлатнинг пойтахти эди.

Мўғулистонда Хизрхожахон вафотидан (1400) сўнг ҳокимиятни унинг авлоди бошқарди. Бироқ улусни бошқариш (амир-оқсоқол)лик, илгаридан мавжуд анъанага мувофиқ, дуғлат амирларида сақланган ва уларнинг энг улуғи дуғлат амир Худойдод бўлган. Кошғар шаҳри Чингизхон давридан бошлаб амир Худойдоднинг аждодларига иқто қилиб берилган бўлса-да, бироқ 1415–1428 йилларда уни Улуғбек тайинлаган ҳокимлар бошқарган. Ундан сўнг Кошғар тўла-тўқис дуғлат амирлари қўл остида эди.

Мўғулистон расмий жиҳатдан Мирзо Улуғбек ҳукмида бўлса-да, бироқ мухторият тарзида эди. Унинг ўз хонлари, ички зиддиятлари, ташқи сиёсати бўлган. Оқсув шаҳри асосий қароргоҳ саналган. Мўғулистонни узоқ вақт Эсон-Буғохон (1426-1461) бошқарди. Унинг даврида Мўғулистоннинг маъмурий-худудий ҳолатида юз берган муҳим воқеалардан бири, Абулхайрхон билан низолашиб, Мўғулистон томонга кетган шаҳзодалар – Жонибек султон ва Гирайхонга Эсан-Буғохон ўз мамлакатининг ғарбий чеккаси - Чуй водийси атрофларидан ер ажратиб берганидир. Мирза Ҳайдар бу жойни “Кўзибоши” деб атаган. Вақт жиҳатдан мазкур воқеа XV асрнинг 50-йилларига тўғри келади. Уларга нисбатан Мирза Ҳайдар “қозоқ-ўзбеклар” атамасини қўллаган. Кейинчалик, шу асосда Қозоқ хонлиги ташкил топди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг маъмурий – худудий ҳолатида бир қанча муҳим ўзгаришлар бўлди. Шоҳрух вафот этгандан сўнг Темурийлар давлатини қисқа муддат Мирзо Улуғбек пойтахт Ҳиротда туриб бошқарди. Унинг ўлиmidан кейин XV асрнинг 50-йилларида

³⁰ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн (2008). II жилд биринчи қисм. – Б. 163-164; 142.

³¹ Ўша асар. – Б. 478 .

маълум вақт Мовароуннаҳр ва Хуросон маъмурий-худудий жиҳатдан бўлинди: Темурийлардан Шохрух авлодидан Абулқосим Бобур 853 (1449) йили Хуросонда ва Мироншоҳ авлодидан Султон Абусаид 855 (1451) йили Мовароуннаҳрда салтанат тахтини эгалладилар.

Султон Абусаид, Амир Темур салтанатини қайта тиклаш мақсадида, дастлаб Хуросонни, сўнгра бутун Эронзаминни ўз тасарруфига киритди ва Темурийлар давлатининг якка ҳукмдорига айланди. Султон Абусаид Эронзаминга юриши чоғида ҳалок бўлганида (1469 й.), ундан ўнта ўғил қолганди: мирзо Султон Аҳмад, мирзо Султон Маҳмуд, мирзо Султон Муҳаммад, мирзо Шохрух, мирзо Улуғбек, мирзо Умаршайх, мирзо Абубакр, мирзо Султонмурод, мирзо Султон Халил, мирзо Султон Валад³². Марказий Осиёнинг XV аср иккинчи ярмидаги маъмурий-худудий ҳолатида улардан баъзиларининг ўрни бор.

Мовароуннаҳрда, то бу ерда Шайбонийлар салтанати ўрнатилгунгача (1500 й.), Султон Абусаид авлодлари Султон Аҳмад мирзо (855/1451 – 899/1494), Султон Маҳмуд мирзо (857/ 1453-900/ 1495), Бойсунғур мирзо ибн Султон Аҳмад мирзо (1495-1497), Умаршайх мирзо (855/1451 – 900/1494), Заҳириддин Бобур (1495 – 1504; 1511 – 1512) ҳукмида бўлган. Султон Абусаид Кобул, Ғазнин ва Афғон мамлакатини ўғилларидан бири мирзо Улуғбекка берганди ва Шимолий Ҳиндистон то Мўлтонгача жойлар ҳам унга қарарди. Шу йўсинда Бадахшон вилояти – мирзо Султон Абубакрга, Гармсёр ва Қандаҳор вилояти – мирзо Султонмуродга суюрғол қилинганди³³.

Заҳириддин Бобур 1501 йили Шайбонихон билан жангда енгилди, 1504 йили Мовароуннаҳрни тарк этади ва Кобул ва Ғазнини эгаллашга муваффақ бўлади, ўша ерда мустақил давлат тузиб, Бобурийлар салтанатига асос солади.

Мўғулистонда бу даврда хонлик тахти Эсон-Буғохон авлодлари ҳукмига ўтганди: Дўстмуҳаммад Эсон-Буғохон ўғли (1461-1468, Марказий ва Шарқий Мўғулистон, Турфон вилояти); Юнусхон Вайсхон ўғли (1458-1469, Ғарбий Мўғулистон); Кебек-Султон Дўстмуҳаммад ўғли (1468-1473; Турфон вилояти); Султон Маҳмуд Юнусхон ўғли (1487-1508, Ғарбий Мўғулистон); Султон Аҳмад (Алачахон) Юнусхон ўғли (1485-1504, Марказий ва Шарқий Мўғулистон).

Юнусхон (1415-1487 йй.) Темурийлар хонадони билан қариндошлик ришталари боғлаб, учта қизини Султон Абусаиднинг учта ўғлига берди. Жумладан, Қутлуғ Нигор хонимни 880/1475-1476 йили Умаршайх мирзога узатди ва бу никоҳдан Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилди; унинг фаолияти Марказий Осиё маъмурий-худудий ҳолатида ҳам ўз аксини топган. Юнусхон 1485 йили Марказий ва Шарқий Мўғулистонни ўғли Султон Аҳмадхонга бериб, ўзи катта ўғли Султон Маҳмудхон билан Ғарбий

³² Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн. II жилд 3 қисм. – Б.634-640.

³³ Ўша асар. – Б.637-639.

Мўғулистонда қолди³⁴. Шоҳрухия сулҳидан (1485 й.) сўнг, Тошкент вилояти Юнусхон ҳукмига ўтди; вафотидан (1487 й.) сўнг давлатни ўғли Султон Маҳмудхон бошқарган ва 1485 – 1503 йилларда (то Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар) Мўғулистон таркибига кирган, Тошкент шаҳри эса, унинг пойтахти саналган. Мўғулистоннинг шарқий қисми - Манглай-Субени дўғлатлар бошқарса-да, бироқ мухторият ҳуқуқида бўлган ва маъмурий жиҳатдан Мўғулистон хонига бўйсунган.

Хуросонда Султон Абусаид ўлимидан (1469 й.) сўнг Ҳусайн Бойқаро (1469-1506) ҳукмдорлик тахтини эгаллади ва уни 37 йил давомида бошқарди.

Хоразмнинг XV аср иккинчи ярмидаги маъмурий-ҳудудий ҳолати Дашти Қипчоқда ва Темурийлар салтанатида Хуросонда кечган сиёсий кечинмалар билан боғлиқ бўлган.

Дашти Қипчоқда Абулхайрхондан мағлуб бўлиб **Хоразм**га келган Мустафоҳон ҳарбий қудрати ортиб, Хоразмнинг жануби-ғарбий қисмини босиб олди ва Хоразмнинг пойтахти Урганчдан 60 км ғарбда Вазир шаҳрини барпо этди ва Урганчни ҳам эгаллаб, аҳолисининг бир қисмини Вазирга кўчирган. Мустафоҳон Хоразмда 1460-1461 йилгача ҳукмронлик қилди. Сўнгра бу ерда ҳокимиятни кўнғирот сўфилари ўз қўлига олади. Вазир шаҳрини Мустафоҳон хизматида бўлган амирлардан Муҳаммад сўфининг ўғли Усмон кўнғирот эгаллайди. Умуман олганда, Султон Абусаид ҳукмронлиги даврида Хоразмнинг ғарбий қисмидаги маъмурий бошқарув темурийлар тасарруфидан чиққан эди.

Лекин Хоразмнинг ғарбий қисмида Адоқ атрофларида темурийлардан Султон Ҳусайн мирзо, яъни Ҳусайн Бойқаро (1469-1506) Темурийлар салтанатини қўлга киритиш учун фаолият олиб боргани ҳам маълум. У 1461 йили Вазир шаҳрини ва 1462 йили Урганч билан Хивани вақтинча эгаллашга эришди. Султон Ҳусайн мирзо ҳукмдорлик тахтида ўтирган йилларда эса, Хоразм маъмурий жиҳатдан Темурийлар давлати таркибида бўлган. Бироқ унинг ҳокими Жўчи улуси вакили амир Нонгадойнинг авлодидан бўлмиш Чинсўфи эди ва у 1505 йили бу ўлкани Шайбонихон босиб олгунгача эгаллаб турган.

Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг иккинчи бобидан ўрин олган **“Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё аҳолисининг этник-ҳудудий ҳолати”** деб аталган мавзу хронологик тартибда **“Амир Темур салтанатидаги этник-ҳудудий ҳолат”** ва **“XV асрдаги этник – ҳудудий ҳолат”** деб номланган иккита кичик мавзуга бўлинган. Этник-ҳудудий ҳолат – аҳолининг этник таркиби, этносларнинг ҳудудий жойлашуви, миграциясига тегишли маълумотларни ўз ичига олади ва ўша даврнинг асосий манбаларида тарихий воқеалар баёнида, тарқоқ ҳолда акс этган.

Амир Темур салтанатида Марказий Осиёда аҳолининг этник таркибида апарди, арлот, араб, авғон, барлос, баҳрин, бўрулдой, бовирчи, билкут,

³⁴ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. – Тошкент: Шарк, 2002. – Б.36.

дўғлот, жалойир, жата, мангкут (мангит), макрит, мўғул, ноймон, нукуз, никударий, сулдуз, санжарий, туркман, тойхоний, уйғур, форс, хитой, чигатой, ясавурий, ўзбек, ўйрот, қавчин, қипчоқ, қўнғирот каби этнослар бўлганлиги қайд этилган. Улардан мўғул, жата, чигатой этнослари умумлашган маънода келади ва уруғ-қабилалар бирлашмасини англатади.

Аҳолининг худудий жойлашуви бўйича манбалардаги маълумотлардан XIV аср иккинчи ярмида *барлослар* – Қашқадарё воҳаси ва қисман Самарқанд вилоятида, *қавчинлар* – Бухоро вилоятида, *жалойирлар* – Хўжанд вилоятида, *ясавурийлар* – Самарқанд вилоятида, *қипчоқлар* – Фарғона водийси ва Сирдарёнинг қўйи ҳавзасида, шунингдек, Бухоро вилоятининг жанубий-ғарбий чеккалари ва ҳозирги Туркменистон худудида – *салжуқий туркманлар*, Чағониён, Ҳисор водийси ва Балх вилоятида – *сулдуз*, Шибирғон вилоятида – *арлот* ва *анарди*, Қундуз ва Бағлон худудида – *бўрулдой* ва *тойхон* уруғ-аймоқлари³⁵, ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида – *авгон қабилалари*, Хуросонда – *арлотлар*, Мовароуннаҳр ва Хуросонда – тожиклар (тозиклар), Марказий Осиёнинг шарқий қисмида, яъни Мўғулистонда – *дуглат*, *макрит*, *кераит*, *арканут*, *қангли*, *бахрин* (катта қисми Жўчи улусида), *бўлағожси*, *қавчин*, *мангит* уруғлари, Мўғулистоннинг шарқий қисмида – *уйғурлар*, Дашти Қипчоқда – *мангқитлар* (*мангитлар*) ва *ўзбеклар*, Хоразмда *қўнғиротлар* яшагани маълум бўлади.

Амир Темур салтанатида аҳолининг ўзига хос миграцияси, яъни бир жойдан бошқа жойга кўчирилиши ҳам бўлган. XIV асрнинг 70-йилларида Мовароуннаҳрда кечган сиёсий воқеаларда *жалойирлар* бошлиқлари Амир Темурга қарши чиққанлиги сабабли, бу элат яшаб турган жойи Хўжанд вилоятидан тарқатиб юборилади. Афғонистон худудида яшовчи *бўрулдой* элати ҳам бош кўтаргани учун қаттиқ таъқиб қилинади ва улар Ҳиндистонга кўчиб кетишга мажбур бўлади.

Ўша даврдаги миграцияда кўпроқ четдан Марказий Осиёга, аниқроғи Мовароуннаҳрга аҳоли кўчириб келингани кузатилади. Амир Темурнинг фармонида кўра Мозандарондан сайидлар³⁶, Дашти Қипчоқдан бир қанча ўзбек уруғ-қабилалари³⁷, Рум (Туркия) худудидан *қоратоторлар* ёки забт қилинган мамлакатлардан турли касб эгалари ва илм аҳли Марказий Осиёга кўчирилгани маълум. Клавихонинг ёзишича, Мовароуннаҳрга аҳолининг келиши бемалол бўлган бир вақтда, бу ердан чиқиб кетиш Амир Темурнинг бевосита рухсатномаси билангина мумкин эди³⁸.

Миграция жараёнида нафақат хориждан Мовароуннаҳрга, балки бу ердан салтанатнинг бошқа қисмларига аҳолини кўчириш ҳоллари ҳам бўлган. Гап шундаки, Амир Темур ўғиллари, набиралари ёки фидойилик намоён этган айрим саркардаларига бирор худудни суюрғол қилганида ҳар бирига

³⁵ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома (1972), 142а варақ.

³⁶ Ўша асар, 229а варақ.

³⁷ Ўша асар, 223а варақ.

³⁸ Клавихонинг Самарқандга саёхати. Рус тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар Омонулло Бўриевники. – Тошкент, 2004. – Б.6.

маълум миқдорда кўшин ажратиб, уларни оиласи билан Мовароуннаҳрдан кўчириб, ўша юртга жўнатган.

Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё аҳолисининг **XV асрдаги этник – худудий ҳолати** бўйича ҳам маълумотлар бор. Манбаларда бу даврда аҳолининг таркибида арлот, арғун, бадахшонликлар, арки, барлослар, баҳрин (барин), бекжак (бекчик), бурулдай, дуғлатлар, дулпа, духтуй, жалоирлар, жете, жўчилар, итаржи (итарчи), калучи, кунжи, макритлар, манғитлар, мўғуллар, найман, сариғ-уйғур, сорт, тангут, тотор, тожик, туркманлар, турк, уйғурлар, чигатойлар, чағираклар, чурос, чигил, ўзбеклар, ўрдубеги, қавчинлар, қалмоқлар, қарликлар, қипчоқ, қирғизлар, козоқлар, ҳазора, ҳиндулар бўлган.

Аҳолининг худудий жойлашуви қуйидагича: *арғунлар* - ҳозирги Афғонистоннинг шимоли - ғарбий худудларида; *қавчинлар*–Мўғулистон ва Мовароуннаҳрда; *барлослар* – Мўғулистон (Мирза Хайдар уларни “Мўғулистон барлослари” дейди) ва Мовароуннаҳрда (Кеш ва Самарқанд вилоятларида); *тўқчи* – Самарқанд вилоятида; *арлотлар, барки, бекжак* (Иссиқкўл атрофида), *булгачи, духтуй, итаржи, калучи, кунжи, макрит, чағираклар* (Кошғар билан Андижон оралиғида), *чигил, чурос, ўрдубеги, қозоқ- ўзбеклар* (ёки *қозоқлар*) – Мўғулистонда; *дуғлатлар* Манглай Субе – Оқсудан то Кошғар ва Хўтангача ораликда; *мангитлар, ўзбеклар* – Дашти Қипчоқда, *мўғул қабилалари* – Мўғулистонда ва қисман Фарғона водийсининг шарқий қисми ҳамда ҳозирги Афғонистоннинг шимолида, *туркманлар* (*санжарий туркманлар* ва *қора қўйлиқ туркман уруғи*) – ҳозирги Туркменистон худуди, Хуросон ва Мовароуннаҳрда; *қипчоқлар* – Сирдарёнинг қуйи хавзасида (Туркистон атрофларида), *афгонлар* – ҳозирги Афғонистоннинг жанубида; *ҳазоралар* – Афғонистоннинг жанубий худудларида яшаган.

“Бобурнома”да Кобул вилояти аҳолисининг этник таркиби жуда аниқ берилган: “Мухталиф ақвом Кобул вилоятида бордур. Жулгаси (водийлари) да ва туз (дашт)ларида *атрок* ва *аймоқ* ва *аъробдур*. Шаҳрида ва баъзи кентларида *сортлардур*. Яна баъзи кентларида ва вилоётида *пашойи, парожии* ва *тожик* ва *бараки* ва *афгондур*. Ғазни тоғларида *ҳазора* ва *накдаридур*. Буларнинг орасида баъзи мўғулий тил била ҳикоят қилурлар. Шарқи-шимолий тарафидаги тоғлар Кофиристондур, мисли Катур ва Габрак ва жануби Афғонистондур.

Ўн бир-ўн икки лафз била Кобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний. Мунча мухталиф ақвом ва мутағойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятга бўлғай”³⁹, – деб ёзади Бобур.

Айрим этносларнинг номлари умумлашма маънони англатади: *мўғул улуси* (*мўғуллар*) – Мўғулистон аҳолиси; *чигатой улуси*(*чигатойлар*) – Мовароуннаҳр ва Хуросондаги кўчманчи аҳоли; *ўзбеклар* – Дашти Қипчоқ аҳолиси. Бу давр манбаларида *турк* деганда умуман туркий элатлар назарда

³⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (2002). – Б.109.

тутилади. Шунга ўхшаш *туркман* этноси ҳам умумлашма маънога эга: санжарий туркманлар ва қорақўйли туркманлар тушунилади; *қорақўйли туркманлар* - Ироқдан Хуросонга кўчиб келган туркманлар. “Тарихи Рашидий”да *туркманлар* деганда Шох Исмоил аскарларидан иборат кизилбошлар назарда тутилган.

Ҳозирги Афғонистоннинг жанубида яшовчи барча қабилалар битта умумлашма ном билан *афгонлар* деб аталган.

Келиб чиқиши ҳарбий соҳага тегишли *ҳазора* (минглик) атамаси Амир Темур даврида мингта аскар бера оладиган аҳолининг маълум қисмини англатган (одатда бирор-бир уруғ-қабиллага тегишли бўлган; масалан, *сулдуз ҳазораси*). XV асрда мазкур атама этник тушунча шаклида ҳам келади. “Тарихи Рашидий”да “ҳазора” атамасининг икки хил маъноси берилган: 1) лашкар таркибидаги минглик (*қозоқ ҳазораси*); 2) Бадахшондаги қabila. Ҳозирги Афғонистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида яшовчи *санжарий туркманлар* “Бобурнома”да “*туркман ҳазораси*” деб келтирилган. Яна бир қисм ҳазоралар Ғазни вилоятида яшаган⁴⁰.

XV аср манбаларида аҳоли миграцияси ҳақида ҳам маълумотлар бор ва унинг сабаблари ҳар хил. XV аср ўрталарида Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида шаҳзодалар Жонибек султон ва Гирайхон Абулхайрхон билан низолашиб, Мўғулистон томонга кетади ва Чуй водийси атрофларида ўрнашади, улар “Тарихи Рашидий”да *қозоқ-ўзбеклар* деб эслатилган.

Мўғулистонда юз берган сиёсий нотинчликлар чоғида *калучи*, *булгачи* ва яна баъзи бир қабилалар Эсон Буғохондан аразлаб Мўғулистондан кўчиб Абулхайрхон ҳузурига Ўзбекистонга (Сирдарёнинг қуйи ҳавзасига), *чурос* ва *бахрин* элатлари қалмоқлар юртига, шунингдек, Султон Аҳмадхон ҳукмронлигида *калучи* қабиласи ҳам Мўғулистондан қалмоқлар юртига кетиб қолган⁴¹.

XV асрнинг иккинчи ярмида бир гуруҳ (1500-2000) мўғуллар ва дуғлатлар, шунингдек, Дашти Қипчоқдан келган ўзбеклар Ҳисорда Султон Маҳмуд мирзо хизматида бўлган, сўнгра улар Андижонга кўчган.

“Тарихи Рашидий”да ёзилишича, Шайбонихон мўғул хонларини ва улар билан бирга 30 000 мўғул аскарини асир олади вауларнинг катта қисмини Хуросонга жўнатади. Шайбонихоннинг ўлиmidан сўнг, улар турли томонга тарқаб, кўпчилиги аста-секин Мўғулистонга қайтади.

Шу даврда Ироқда яшаган оқ қўйлик ва қора қўйлик туркман уруғлари ўзаро низолашиб, қора қўйлик туркманларнинг бошлиғи Али Шукурбек 4-5 минг кишидан иборат ўз қавмини олиб Хуросонга Султон Абусаид ҳузурига келади. Кейинчалик уларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга Самарқанд

⁴⁰ Ўша асар. – Б.109.

⁴¹ Мирза Мухаммад Хайдар. *Тарих-и Рашиди* / Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. Примеч. и указат. Р.П. Джалиловой и Л.М.Епифановой. – Ташкент: “Фан”, 1996. – С.727; С.150.

атрофларига кўчиб ўтган. Султон Маҳмуд мирзо Самарқанддан Ҳисорга борганда мазкур туркманлар ҳам у билан кетган.

Юқоридаги мисоллардан маълум бўладики, аҳоли миграциясининг асосий сабаби, ички низолар ёки уруғ-қабилаларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунмаганлиги бўлган.

Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг **“Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиёнинг табиати ва хўжалиги”** номли учинчи бобида Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги табиати ҳақида ёзма маълумотлар ва Темурийлар даври манбаларида Марказий Осиёда ободончилик ва хўжалик ривожининг ёритилиши ҳақида сўз боради.

Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги табиати ҳақида ёзма манбаларда тарихий география соҳасидаги асосий омиллар - рельеф, иқлим, сувлар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами ва улар билан боғлиқ инсон фаолиятига оид маълумотлар ўрин олган. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида **тоғлар**, ҳозирги фанда мавжуд услубда йирик тизмалар тарзида тавсифланган ва уларни ҳозирги карта билан қиёсласак, қуйидагича бўлади: Туркистон тоғлари – Марказий Тяньшань ва Олой тизмалари; Кўҳистони Бадахшон – Помир; Самарқанд Ғарчистони – Зарафшон ва Туркистон тизмаларининг ғарбий қисми; Ҳиндукуш – Ҳиндукуш тизмаси.

Марказий Осиё тоғларида турли фойдали қазилмалар, жумладан, олтин, кумуш, мис, қалайи, темир, тошкўмир, нефть каби маъданлар мавжудлиги, Кеш яқинидаги тоғлардан қизил туз қазиб олиниши ва кундалик эҳтиёжда ишлатилиши, Ўзганд яқинидан нашатир олингани ёзилган.

Марказий Осиё сувлари ҳақида маълумотлар батафсилроқ. Хазар денгизи (Каспий денгизи), Жайҳун кўли (Орол денгизи), Исикқўл ва Кўкча денгиз (Балхаш кўли) эслатилган.

Жайҳун (Балх дарёси; Амударё) чўл орқали Гурлан суви номи билан пойтахт Хоразм (Гурганж – ҳозирги Кўҳна Урганч мавзеси) томон оқиши ва ундан ўтиб, Гёрлади (бошқа номи Африча) деган жойда Хазар денгизига қуйилиши ҳақида хабар берилади⁴². Бу ерда Амударёнинг қадимги ўзани – Ўзбой назарда тутилган. Амударёнинг Орол денгизига йўналган ўзанидан эса, дарё сувининг озроқ қисми оққан ва Низомиддин Шомий уни Эски Ўкуз деб тилга олган⁴³. XV аср бошида Мовароуннаҳрда бўлган Испания элчиси Клавихо ва тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам Амударёнинг Каспий денгизига қуйилишини таъкидлаб ўтганлар⁴⁴. Бироқ XVI аср ўрталарида Амударё суви,

⁴² Ҳофизи Абру. География ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 5361 (форс тилида). 34 б варақ; Ҳофизи Абру. Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий. Бодлеян кутубхонаси (Оксфорд) қўлёзмаси, №161 (форс тилида). 146 б, 222 б-223 а варақлар.

⁴³ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи – Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А.Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатлар тузувчи – Ҳабибулло Кароматов (географик номлар изоҳи – О.Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг Низомиддин Шомий “Зафарнома”сига ёзган “Зайл”и – (“Илова”) ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – Омонулла Бўриев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – Б.67.

⁴⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник. С.99; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. I-II китоблар. – Тошкент, 1992. – Б.151, 153

асосан, Орол денгизига оққан. Урганч (Кўҳна Урганч) шаҳри сувсиз қолиб харобага айланган ва XVII асрда Хоразмнинг пойтахти Хива шаҳри эди. XVII аср муаллифи Абулғози Баҳодирхон “Шажарайи турк” асарида бу ҳақда аниқ ёзиб қолдирган⁴⁵.

Сайхун (Хўжанд дарёси; Сирдарё) Туркистон тоғларидан бошланиши, Хуршоб (ҳозирги номи Куршоб), Ўш (ҳозирги Оқбура) ва Парак (Чирчиқ) ирмоқлари борлиги айтилган. *Кўҳак суви* (Зарафшон) Самарқанд шаҳри ёнидан то қуйилишигача бўлган қисмида суғоришда кенг фойдалангани ва тошиб оққан йилларда Жайхун дарёси (Амударё) гача бориб етиши, *Кеш* ва *Чағониён* (Сурхон) дарёлари сувларидан суғоришда кенг фойдаланиши, *Мурғоб* дарёси охири чўлда қумлар орасида тугаши таъкидлаб ўтилган. Марказий Осиёнинг шарқий қисмида *Чу (Чуй)*, *Или* ва *Иртиш* дарёлари тилга олинган.

Амударё ва Сирдарёда халқаро савдо йўлларида ташкил этилган ўтиш жойлари - **гузарлар** ҳақида ҳам маълумот бор. Гузарларда сув бўйида аҳоли масканлари ҳам вужудга келган ва уларда яшовчилар йўловчиларни, отуловларни, юкларни кемаларда, солларда ва кемаларни бир-бирига боғлаб ясалган кўприклар воситасида сувдан олиб ўтганлар.

Манбалардаги маълумотлар таҳлилидан Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги **иқлими** ҳозиргига нисбатан серёгин бўлган кўринади. Иқлимдаги нисбий намгарчилик **ўсимлик дунёсига** ҳам таъсир этган ва ўт-ўланлар қалин ўсишига, ҳайвонот оламининг бойлигига ва турлари кўплигига имконият яратган. Самарқанд вилоятида майсалар билан қопланган даштлар (ўланлар) бўлган ва “Бобурнома”да бешта ўланнинг (Конирил ўланги, Хон юрти ўланги, Бўдана кўруғи ўланги, Кўли Мағок ўланги, Қулба ўланги) тавсифи берилган.

Марказий Осиё жанубий қисмининг табиати “Бобурнома”да батафсил ёзилган. Тоғлар тавсифи, уларнинг номланиши, жойлашиши, баландлиги, доволари, иқлими, йўллари, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, Кобул шаҳри ва вилоятининг рельефи, иқлими, сувлари, ўт-ўланлари, мевалари, экинлари, ободончилиги ҳақида муҳим маълумотлар бор.

Иқлим, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳолатини қиёслаганда Темурийлар давридан то ҳозиргача ўтган вақт ичида ўлка табиатида айниқса ўсимлик ва ҳайвонот оламида анчагина ўзгариш бўлганлигини ва бунда инсон фаолияти (антропоген омил) асосий ўрин тутганини кўрамиз. Марказий Осиёнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси илгари анча бой бўлган.

Амир Темур салтанатида мамлакат иқтисодиёти ривожидида биринчи ўринда шаҳарсозликка ва қишлоқ хўжалигида суғориш тизимини кенгайтиришга эътибор қаратилгани ўша давр манбаларида қайд этилган. Бунёдкорлик ишлари шаҳарлар, қўрғонлар, карвонсаройлар, бозорлар,

⁴⁵ Абулғозий. Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар: Қувомиддин Муниров, Қозокбой Маҳмудов. – Тошкент: “Чўлпон”, 1992. – Б.126.

работлар, масжидлар, хонақоҳлар, мақбаралар барпо этилгани, суғориш тармоқлари, боғ-роғлар, экинзорлар яратилгани билан белгиланади.

Шаҳарсозлик ишлари Амир Темур ишлаб чиққан аниқ режа асосида олиб борилган ва улар учта асосий йўналишни ташкил қилган: 1) маъмурий марказларни юксалтириш; 2) ҳарбий аҳамиятга молик шаҳар-қўрғонлар барпо этиш; 3) халқаро савдо йўлларидаги шаҳарларни обод қилиш.

Маъмурий марказлар сифатида иккита шаҳарнинг нуфузи энг юқори бўлган: биринчиси – Самарқанд, иккинчиси – Кеш (Шаҳрисабз). Кўп жихатдан Самарқанд қулай бўлганлиги сабабли, Амир Темур ушбу шаҳарни пойтахт учун танлади.

Бунёдкорликлар соҳасида ёзма манбаларда берилган маълумотлар бир-бирини тўлдиради. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Амир Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилгани, унда шаҳар девори, олий иморатлар ва тиллакори қасрлар барпо этишга фармон бергани, натижада, Самарқанд ўша даврда ободлиги, аҳолисининг кўплиги ва дунёнинг турли мамлакатларидан сайёҳлар келувчи марказга айланганини алоҳида таъкидлаб ўтилади⁴⁶. Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да Самарқанд шаҳар деворини ўлчатгани ва унинг айланаси ўн минг олти юз қадам (тахм. 7,5 км) келганини қайд этган⁴⁷.

Жоме масжид ҳақида Шарафуддин Али Яздий унинг қурилишига Амир Темур фармони билан Озарбайжон, Форс, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан беш юз нафар сангтарош жалб этилгани ва яна беш юз киши тоғларда тош кесиб⁴⁸, бу тошлар Ҳиндистондан келтирилган 95 та бақувват филлар (занжир-пил) ёрдамида тоғдан Самарқандга ташилгани, хўкизлар кўшилган аравалардан ҳам фойдаланилгани, масжид учун ҳар бири узунлиги етти газ келадиган 480 та устун тоғдаги тошлардан йўниб келтирилгани; масжид баландлиги полидан то томигача ўн газ, эшиги етти хил металл қоришмасидан (*ҳафт жўш*), меҳроби металлдан бўлганини ёзади⁴⁹. Ҳофизи Абру “География” асарида масжиднинг пойдевори хоро тоши (гранит)дан, меҳроби пўлатдан эканлиги, унга ғаройиб шакллар, ажойиб нафисликлар, латиф ёзувлар ва нозик саъаткорликлар қилингани, тўрт рукнида тўртта минора қурилгани, сахни ва томи ҳаммаси тошдан маҳорат билан ишлангани айтилган⁵⁰. Клавиho ўз “Кундалиги”да масжиднинг олд пештоқини Амир Темур буздириб қайта қурдиргани ва ишни ўзи бевосита назорат қилиб турганини ёзади⁵¹.

Амир Темур 1380 йилдан бошлаб **Кеш (Шаҳрисабз)**да ҳам ҳашаматли бинолар – Оқсарой ва Доруссаодат мажмуалари, мадраса, хонақоҳ, работ, ҳовузлар, боғ-роғлар бунёд этди. Мазкур жойдаги бунёдкорлик ишлари Амир Темур вафотигача давом этган. Айниқса гўзал Оқсарой ҳақида Заҳириддин

⁴⁶ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома (1972). 141а варақ.

⁴⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (2002). – Б.58-59.

⁴⁸ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома (1972). 346б, 347а варақлар.

⁴⁹ Ўша асар, 347 а варақ.

⁵⁰ Ҳофизи Абру. География. Оксфорд Бодлеян кутубхонаси қўлёзмаси (Fraze, 155).169б варақ.

⁵¹ Руи Гонсалес де Клавиho. Дневник. – С.134.

Бобур: “Ўзига девон ўлтурур учун бир улук пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна сўврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу буйикрактур”⁵², деб таърифлаган бўлса, Кешда тўхтаб ўтган Клавихо Оқсарой ва бошқа иморатлар ҳақида: “Кеш шаҳрида Темурбек қурдирган бу бино (Оқсарой) шу пайтгача у барпо этган иморатлар ичида энг мухташамидир”, деб ёзади ва у ердаги кўшкларнинг ҳашаматиға баҳо берар экан, Парижнинг моҳир усталари ҳам бу зийнатларни кўрганда ҳайратға тушишини таъкидлаб ўтган⁵³.

Ҳарбий аҳамиятға молик шаҳар-қўрғонлар барпо этишда кўпроқ уларнинг мамлакат мудофаасидаги аҳамиятиға эътибор қаратилган. Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида - Сифноқ, Саброн, Ўтрор, Мўғулистоннинг ғарбий чегарасида - Ашпара қўрғони, Тошкент вилоятида - Тошкент ва Шоҳрухия, Фарғона водийсида - Ахси, Андигон, Ўзганд қўрғонлари ана шулар жумласидандир.

Халқаро савдо йўлларидаги шаҳарларни обод қилиш режаси Амир Темурнинг узокни кўзлаган стратегияси бўлиб, ундан асосий мақсад Мовароуннаҳрни халқаро савдо марказиға айлантириш эди. Амир Темур биринчи навбатда Хитой билан савдо алоқаларини ривожлантиришға ҳаракат қилди, қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклади. Самарқанднинг халқаро савдодаги салоҳиятини ҳисобға олиб, шаҳардаги бозорни кенгайтиради.

Амир Темур шаҳар ва унга ёндош ҳудудларни комплекс ривожлантириш анъанасини жорий қилди. Клавихо шаҳар атрофидаги боғларда Амир Темур ва унинг зодагонлари томонидан ҳашаматли кўшк-саройлар қурилгани, шаҳардан кўра, унинг деворидан ташқари қисмида аҳоли кўпроқ яшашини ёзган⁵⁴. Ўша давр манбаларида Амир Темур Самарқанд атрофида барпо этган боғларнинг номлари эслатиб ўтилган: Боғи Биҳишт, Боғи Дилкушо, Боғи Шимол, Боғи Нав, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Булдо, Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғи Тахти Қорача, Боғи Қаротўба, Боғи Давлатобод.

Клавихо “Кундалиги”да ёзилишича, шаҳар атрофида яратилган ҳар бир боғ, унинг таркибидаги ҳашаматли кўшклар, ҳовузлар, фонтанлар, ариқлар, хиёбонлар, турли мевали ва манзарали дарахтлар билан бирға ўзига хос архитектура ансамблини ташкил этган.

Суғориш тармоқларининг кўпайгани **қишлоқ хўжалиги** ривожини учун кенг имконият яратди. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Самарқанд вилояти таркибида Суғд, Шовдор, Иштихон, Ёркат, Коранд, Ёржайлоқ, Дизақ, Шероз, Анҳори Жадид туманларини санаб, Куҳак дарёси (ҳозирги Зарафшон дарёси) Самарқанд вилоятини сув билан таъминлаши, кўплаб янги суғориш тармоқлари яратилгани, шаҳар атрофининг ўзида 72 та қишлоқ борлиги ва

⁵² Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (2002). – Б.61.

⁵³ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник. – С.103 .

⁵⁴ Ўша асар. – С.138.

улар бешта ариқ – Бозор, Маздохин, Обираҳмат, Каранд, Анҳори Жадид ариқларидан сув ичишини ва Анҳори Жадид ариғи бевосита Амир Темур буйруғи билан қазилганини, Самарқанд Суғди ободлиги ва латофати билан бутун Шарқ мамлакатларида шуҳрат қозонгани айтилган.

Ўша давр манбаларида биринчи ўринда боғдорчилик ривожлангани таъкидланган. “Шаҳар атрофида боғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, у ерга етиб келган киши гўёки ўртасида шаҳар жойлашган баланд дарахтлар ўсиб ётган бир ўрмонга яқинлашгандай бўлади”, – деб ёзади элчи Клавихо⁵⁵. Испан сайёҳи яна Амир Темур катта майдонларда махсус узумзорлар барпо этганини, шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралгани, улар баъзи жойларда бир ярим-икки лига (7-10 км) масофагача ястанганини таъкидлайди⁵⁶.

Клавихо деҳқончиликда пахта, буғдой, шоли ва айниқса катта майдонларда қовун кўп экилишини ёзган: “Уларнинг юртида қовун ва узум шунчалик кўп бўладикки, киши ҳайратда қолади; ҳар куни қовун ортилган туялар шу даражада кўп келадикки, улар қандай қилиб сотиларкан, деб ажабланасан. Қишлоқларда (қовун) жуда кўп ва уни ҳар йили худди анжирдек қуритиб сақлайдилар. Буғдой жуда арзон, шоли жуда кўп”⁵⁷.

Кеш (Шаҳрисабз) вилояти ҳақида эса, Клавихо у ерда оқар сувлар, ўтлоқлар, аҳоли гавжум қишлоқлар кўплиги, далаларда буғдой, пахта, узум, қовун, мевали боғлар ўсиб ётганини ёзган⁵⁸.

Амир Темур деқончилик ва боғдорчиликда **янги навлар** яратишга ҳам эътибор берган. “Бобурнома”да Ахси (Ахсикат) ҳақида сўз борганда, у ерда янги “*миртемурий*” деб аталган қовун нави борлиги ва унга тенг келадиган қовун топилмаслиги қайд этилган⁵⁹. Амир Темур номи билан аталган мазкур қовун тури ҳозиргача бор ва “амирий” деб аталади. “Бобурнома”да эса, Самарқанднинг қовуни, анори, айниқса олмаси ва “соҳибий” навли узуми машҳурлиги айтилган⁶⁰. Бобур эслатган “соҳибий” навли йирик узум ҳозирги вақтда Каттақўрғон аҳоли маскани номи билан “каттақўрғон узуми” деб аталади. Чорвачилик соҳасида қўйчилик биринчи ўринда турган. “У ернинг қўйлари жуда йирик”, деб ёзади Клавихо⁶¹.

Амир Темур бунёдкорлик фаолиятида фақат Мовароуннаҳр билан чекланиб қолмаган ва сафарлари чоғида ўз аъёнлари ҳамда аскарлари ёрдамида турли бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Ҳофиз Абру “География” асарида ёзишча, Амир Темур амирлар ва аркони давлатга Мурғоб дарёсидан ариқлар қаздиришига буйруқ беради ва улар ушбу фармон асосида дарёдан, сув чиқариб, экинзорлар барпо этганлар. Ҳофиз Абру мазкур ариқларнинг номларини қуйидагича келтирган:

⁵⁵ Ўша асар. – С.138.

⁵⁶ Ўша асар. – С.138.

⁵⁷ Ўша асар. – С.138.

⁵⁸ Ўша асар. – С.102.

⁵⁹ Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (2002). – Б.36

⁶⁰ Ўша асар. – Б.59.

⁶¹ Бир фунт 409,5 граммга тенг.

Дилкушо ариғи, Ганжравон ариғи, Дарбанд, Ганжхона ариғи, Умар Тобон ариғи, Оқ-Буғо ариғи, Қутлуғ Темур ариғи, Шайх Абу Саъд ариғи, Шайх Али ариғи, Давлатшоҳ Жондор ариғи, Гулбоғон ариғи, Қутлуғ хотун ариғи, Ҳасан Жондор ариғи, Амир Алоуддин ариғи, Санжидак ариғи, Наврӯз ариғи, Кебекчи ариғи, Менгли хожа ариғи⁶².

XV аср биринчи ярми. Ҳофизи Абру “География” ва “Зубдат ат-таворих”, Фасих Аҳмад ал-Ҳавофий “Мужмали Фасихий” ҳамда Абдураззоқ Самарқандий “Матла ас-саъдайн” асарларида келтирилган маълумотларга кўра, Мирзо Шоҳрух отаси Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларини давом эттиради. У отасининг вафотидан сўнг Ҳирот шаҳрини Темурийлар давлати пойтахти қилиб, икки йил (1416-1418) ичида атрофини мустаҳкам қўрғон билан ўраб олади, шаҳар ва унинг атрофида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширади; карвонсарой, мадраса, масжид, хонақоҳ, боғлар яратади. Ҳирот бу даврда жаҳонда шуҳрат топган йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланган; Ҳиротруд (Ҳерируд) дарёсидан ариқлар қаздириб, унинг атрофларида янги экинзорлар ва аҳоли масканлари бунёд этилган. Ҳофизи Абру “География” асарида бу ердаги булуқлар (Гудора, Инжил, Олинжон, Ғўрувон, Поштон, Турон, Хиёбон, Сабқар, Парвона ва Ҳаводаштак, Камирон, Удвон ва Тизон, Тирон) ва улардаги қаря (қишлоқ)ларнинг тўла тавсифини келтирган.

Шоҳрух 812 (1409-1410) йили Мурғоб дарёси этагида жойлашган, 618 (1221-1222) йили мўғуллар томонидан бутунлай бузиб ташланган Марв шаҳрини янгидан қуради ҳамда унга Мурғоб дарёсидан тахминан 80 км узунликдаги ариқ қаздириб, сув келтиради; аҳолини бу ерга жалб қилиб, шаҳарни обод қилади⁶³.

Бу даврда Мовароуннаҳрда **Мирзо Улуғбек** бобоси Амир Темур яратган биноларни қайта таъмирлади ва ўзи ҳам янги қурилишлар қилди, Самарқандда иккита йирик янги мажмуа - мадраса ва обсерватория мажмуаларини яратиб, уни жаҳондаги илм-фан ривожланган энг йирик марказга айлантирди.

XV аср 2-ярмида Темурийлар давлатида ободончилик ишларига эътибор анъанаси давом этди. “Бобурнома” да Султон Аҳмад мирзо хукмдорлиги йилларида (XV аср охириги чораги) Мовароуннаҳрдаги иқтисодий юксалишда Хожа Аҳрор Валийнинг кўмаги бўлганлиги айtilган⁶⁴. Дарҳақиқат, у кишига тегишли кўплаб экинзорлар ва бошқа мулклар рўйхати бизгача етиб келган ёзма манба - “Хожа Аҳрор Валийнинг вақф хужжатлари”да ҳам кўрсатилган. Ободончилик ишларини Умаршайх мирзо ҳам ўзига тегишли мулк бўлмиш Фарғона водийсида давом эттирган. “Бобурнома”да Андижон ҳақида сўз борганда, турли мевалар, айниқса қовун ва узум кўплиги ҳақида эслатилган⁶⁵. Кобул ва Ғазни вилоятларида ҳокимлик

⁶² Ҳофизи Абру. ЎзР ФА Шаркшунослик институти қўлёзмаси, №5361. 228б варак.

⁶³ Ўша асар. 236а-237а вараклар; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн. II жилд иккинчи ва учинчи қисмлар. – Б.141.

⁶⁴ Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (2002). – Б.79.

⁶⁵ Ўша асар. – Б.34-35.

килаётган Султон Абусаиднинг ўғли Улуғбек мирзо ҳам ўз суюрғолида ободончиликка катта эътибор берди ва бу ҳақда “Бобурнома”да ариқлар қаздирилгани, боғлар яратилгани (Боғи Наврўзий, Боғи Биҳишт, Кобул вилоятидаги Исталиф кендида Боғи Калон ва б.) таъкидлаб ўтилган.

Захириддин Бобур унинг ободончилик соҳасидаги ишларини ривожлантирди. “Бобурнома”да Исталифдаги Боғи Калонни қайта таъмирлагани, Хожа Сеёрон ва Одинапур кўрғони яқинида ариқлар қаздириб, боғлар барпо этгани, бошқа жойлардан ҳар хил кўчатлар келтириб эктиргани, ҳатто шакарқамиш (найшакар) ҳам ўстиргани ҳақида ёзади⁶⁶.

Бу даврда Хусайн Бойқаро ҳукмдорлигида Алишер Навоийнинг фаолияти орқали Хуросонда жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилган. Хондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа жойларида бир нечта мадраса, 40 та работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурган ёки таъмирлаган (Ҳиротдаги “Ихлосия” ва “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” тибгоҳи, “Дор ул-хуффоз” биноси (Хайрия уйи), Марвда “Хусравия” мадрасаси, Машҳадда “Дор ул-хуффоз” ва б.)⁶⁷.

Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг **“Темурийлар давлатининг халқаро муносабатлари ҳудудий аспектлари ҳақида ёзма маълумотлар”** номли тўртинчи бобида: 1) *Дашти Қипчоқ, Мўғулистон ва Хитой*, 2) *Жанубий ва Ғарбий Осиё мамлакатлари ҳамда Миср*, 3) *Европа мамлакатлари билан муносабатлар географияси хусусида* сўз боради.

XIV аср охирида Евросиёда олтита йирик сиёсий ҳудуд мавжуд эди: Амир Темур давлати, Олтин Ўрда, Миср, Рум мамлакати, Ғарбий Европа мамлакатлари, Хитой. Улар билан боғлиқ тарихий кечинмалар ўша даврдаги халқаро муносабатларда ўз аксини топган.

Амир Темур давлатининг **Дашти Қипчоқ, Мўғулистон ва Хитой билан муносабатларида** аввало мамлакат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш кўзда тутилган. Зеро Амир Темур янги давлат тузганда, унинг шарқ, шимол ва ғарб томонлардаги чегаралари чингизийлар кўл остидаги ҳудудлар билан туташ эди ва бунда ўзига хос тарихий жараёнлар кечган. Афсуски ҳозиргача ёзилган кўплаб тадқиқотларда воқелик ҳарбий юришлар тарихи сифатида қаралиб, унинг асл сабаблари таҳлил доирасидан четда қолган. Биринчи ўринда, Амир Темур ўз давлати иқтисодини ривожлантириш ва салоҳиятини ошириш учун унинг халқаро муносабатлари кўламини кенгайтириши лозимлигини англаганини эътиборга олиш керак ва бунга асосий тўсиқ, чингизий кучларнинг таҳдиди мавжудлиги эди.

Амир Темур давлатининг дастлабки халқаро муносабатлари Жўчи улуси ва собиқ Чигатой улусининг шарқий қисмида ташкил топган давлат Мўғулистон билан боғлиқ тарихий кечинмаларга дахлдор. Хоразмга тегишли

⁶⁶ Ўша асар. – Б.109-110; 112-113.

⁶⁷ Тафсилотлар учун қ.: Д.Ю.Юсупова. Жизнь и труды Хондамира. – Ташкент: Фан, 2006. – С.176-219.

воқеалар, юқорида айтилганидек, кенг кўламда чингизийлар таъсир доирасидаги ҳудуд билан муносабатлар тарихидир.

Амир Темурнинг тахтга келгандан кейин бу борадаги дастлабки тадбири маъмурий-худудий масала – илгари Чигатой улусига қараган Кот ва Хивак шаҳарларини тобе ерлари билан бирга қайтариб бериш талаби бўлиб, унда муаммони элчилик алоқалари воситасида тинч йўл билан ҳал қилиш кўзда тутилганди. Бироқ бу амалга ошмади ва кейинги кечган воқеалар, ҳатто Амир Темурнинг Олтин Ўрда хонлари билан қариндошлашув, аниқроғи Хоразм ҳокими Юсуф Сўфи саройидан Ўзбекхоннинг невараси Хонзодани ўғли мирзо Жаҳонгирга олиб бергани ҳам фойда бермади. Юсуф Сўфи Олтин Ўрда ҳукмдорлари билан бирлашиб, Амир Темур давлатига нисбатан адоватини давом эттирди ва бу ҳолат Амир Темурнинг 1372 йилдан бошлаб 5 марта Хоразмга юриш қилиб, уни 1388 йили бутунлай ўз давлати таркибига киритиши билан якун топди (бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди).

Мўғулистон билан муносабатларда Амир Темур, асосан, иккита мақсадни кўзлаган: биринчиси – Мовароуннаҳрга шарқ томондан чопқинларнинг олдини олиш, иккинчиси – Мўғулистон орқали ўтган карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаб, Хитой билан савдо алоқаларини йўлга қўйиш. Амир Темур Мовароуннаҳрда мустақил ҳукмдор сифатида тахтни эгаллаганида Мўғулистонда ҳукмдорлик дуғлот амирларидан амир Қамариддин кўлида эди ва икки ўртадаги муносабатлар зиддиятли бўлган. Амир Темур ғарбий юришга кетган чоғида, 1387 йили Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразм бирлашиб Мовароуннаҳрга ҳужум қиладилар; Қамариддин Андижон атрофларига бостириб кирган эди. Умуман, Қамариддин Мўғулистонда ҳокимиятни эгаллаган йилларда Амир Темур билан икки ўртада бирор-бир сулҳ ёки келишув бўлганлиги ҳақида манбаларда ҳеч нарса дейилмаган.

Амир Темур 1371 йилдан то 1389 йилгача бир неча марта Мўғулистонга Қамариддин устига лашкар тортиб, охири уни бутунлай тор-мор қилишга эришди ва Мўғулистонни тўла ўз ҳукми доирасига киритди, Қамариддиннинг акасининг қизи Дилшод оғони ўз никоҳига олиб қариндошлик ришталари боғлади. Мовароуннаҳр учун Мўғулистон томондан ҳужум хавфи узил-кесил тугатилди. Мўғулистонда хонлик тахтига ўтирган Хизрхожа ўғлон Амир Темурга тобелик изҳор этди. Кейинроқ эса, аниқроғи 1397 йили, Амир Темур Хизрхожахоннинг қизи Тугал хонимга уйланди ва шу йўл билан дўстона муносабатлар ўрнатилиб, Мовароуннаҳрдан Хитойга савдо карвонлари қатнови учун йўллар очилди.

Амир Темур давлати билан **Олтин Ўрда хонлиги** ўртасидаги муносабатлар сиёсий вазият, айниқса Тўхтамишнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ эди. Зеро XIV аср ўрталаридан бошлаб, мўғуллар босиб олган барча ҳудудларда бўлганидек, Олтин Ўрдада ҳам феодал тарқоқлик кучайган ва яқка ҳокимлик учун кураш авж олганди.

Амир Темур, Жўчи улусида осойишталик бўлишини ва Олтин Ўрда билан дўстона муносабатлар ўрнатишни кўзлаб, у ерда ўзига хайрихоҳ хон

бўлишини режалаштиради. Ушбу ниятда 1376 йили Олтин Ўрдадан унинг хузурига паноҳ излаб келган Тўхтамишга ёрдам беради ва у 1380 йили хонлик тахтини эгаллашга муваффақ бўлади. Бироқ бу режа иш бермади, Тўхтамиш хонлик тахтига ўтиргач, Амир Темурга қарши кучга айланди. Амир Темур ғарбий юришга кетган чоғида, 1387 йили Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразм бирлашиб Мовароуннаҳрга ҳужум қилдилар. Амир Темур зудликда Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур бўлди ва дастлаб Хоразмни, сўнгра Мўғулистонни эгаллаб, охирда Дашти Қипчоққа юриш қилиб, 1391 йили Қундузчадаги жангда Тўхтамишхон устидан ғалаба қозонди; 1395 йилги Кавказ орқали иккинчи юришида эса, Олтин Ўрда хонлигини узил-кесил забт этди. Бироқ унинг бошқарувига Жўчи авлодидан Ўрусхоннинг ўғли Қўйричок Ўғулни Олтин Ўрдага хон этиб тайинлади⁶⁸.

Амир Темурнинг Олтин Ўрда ва Мўғулистонда Чингизхон авлодидан ўзига хайрихоҳ бўлган хонларни қолдиришининг асл сабаби, ушбу худудларда феодал тарқоқликни бартараф этиш, тинчлик ўрнатиш ва мамлакатлар ўртасида дўстона муносабатларни барқарор қилиш эди. Соҳибқироннинг ҳокимиятни бошқариб турган Чингизхон авлоди билан куда-анда бўлиш сиёсати негизида ҳам томонлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Амир Темур давлати билан **Хитой** ўртасида муносабатлар Мўғулистон узил-кесил бўйсундирилиб, карвон йўллари хавфсизлиги таъминлангандан сўнг элчилик ва савдо алоқалари кўринишларида ва уларнинг таркибида маданий алоқалар ҳам йўлга қўйилди. Буюк Ипак йўлининг Хитой – Марказий Осиё қисми янгидан тикланди. Ёзма манбаларда XIV асрнинг охирги ўн йиллигидан бошлаб иккала томондан элчилар бориб келгани ҳақида маълумотлар қайд этилган.

Хитойнинг Амир Темур ва Темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан, иккита дипломат – Фу Ань (ваф. 1429 й.) ва Чэнь – Чэнларнинг хизматлари катта. Энг муҳими, улар ўз сафар хотираларини ёзиб қолдирганлар ва бу маълумотлар хитой солномаларига киритилиб, қимматли тарихий манба бўлиб қолган.

Хитой тилидаги солнома – “Мин ши лу” (“Мин сулоласи императорлари хукмронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар”)да 1388–1398 йиллар оралиғида Хитойга Мовароуннаҳрдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани қайд этилган.

Амир Темур Ҳиндистон билан ҳам савдо-элчилик алоқаларини тиклади ва унинг Ҳиндистонга юришидан асосий мақсад ҳам Мовароуннаҳрдан жанубий йўналишда кетган савдо йўлини тиклаш, карвонларнинг мунтазам қатновини йўлга қўйиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган. Зеро Афғонистоннинг халқаро савдо йўллари ўтган тоғли вилоятларида қароқчиларнинг таҳдиди кучайган ва савдо алоқалари тўхтаб қолган эди. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида ёзишича, Амир Темур

⁶⁸ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома (1972). 276а-б варақлар.

ушбу савдо йўлидаги барча хавф-хатарни йўқ қилади, зарур жойларда кўрғонлар курдириб, кўрикчилар тайинлайди; натижада мазкур йўналишда мунтазам савдо қарвонлари қатнайдиган бўлади.

Амир Темурнинг буюк давлат барпо этиш йўлидаги ғарбий йўналишдаги ҳарбий юришлари **Миср ва Рум** мамлакатлари билан муносабатлари тарихини ўз ичига олади ва бу ҳақда беш йиллик ва етти йиллик юришлари воқеалари баёнида қайд этилган. Бундан ташқари Олтин Ўрдани бошқариб турган Тўхтамишхон ҳам Қундузча жангидан сабоқ олмаган ва Амир Темурга қарши жиддий рақиб эди.

Соҳибқирон 1393 йили Бағдодни забт этиб, Миср султони Барқўқ қошига элчи юборади ва ўз мактубида иккала давлат ўртасида элчилик ҳамда савдо алоқаларини ривожлантиришни таъкидлаб ўтган. Бироқ Миср подшоси, мавжуд қоидаларга хилоф тарзда, элчиларни қатл эттиради. Худди шу кезларда Рум ва Олтин Ўрда ҳукмдорлари Дамашққа келиб турган Миср султони Барқўқ хузурига ўз элчиларини юбориб, Амир Темурга қарши иттифоқ тузишга аҳдлашган эдилар. Амир Темур мавжуд сиёсий ва ҳарбий вазиятни аниқ баҳолаб, дастлаб 1395 йили Тўхтамишхон устига лашкар тортди ва Олтин Ўрдани узил-кесил тор-мор қилди.

Миср билан муносабатлар кейинчалик ҳам яхшиланмади. Барқўқ вафотидан сўнг Миср тахтини эгаллаган ўғли Фараж отасининг йўлини тутди ва унинг буйруғи билан Амир Темур етти йиллик юришида (1399–1404) юборган элчиларни Ҳалаб шаҳрида қамаб қўядилар. Бу ҳақда Соҳибқиронга хабар етиб келгач, у қаттиқ ғазабланиб, Шом ҳудудига юриш бошлайди; Ҳалаб, Ҳамо, Ҳўмс, Баалбак ва Дамашқ шаҳарларини эгаллайди.

Амир Темур давлатининг Рум мамлақати билан муносабатлари тарихи Ғарбий Европа давлатлари билан муносабатига бевосита дахлдор бўлган. Зеро XIV аср охирига келиб Рум султони Йилдирим Боязид Кичик Осиё ярим оролининг катта қисмини эгаллади ва Бурса шаҳрини пойтахт қилди. Ғарбий Европага ҳам юришлар қилиб зафар қозонди. Византия императори Иоан V (1341–1391 йиллар) Рум султонига қарам бўлган ва ўлпон тўлаб келарди ва унинг пойтахти - христианларнинг таянчи бўлмиш Константинополь (Қустантаня; Истанбул) шаҳри қулаш арафасида турарди. 1389 йилга келиб Сербия ва 1396 йили Болгария Усмонли туркларга бўйсунди. Европа давлатлари қўшма армияси 1396 йили Болгариянинг Никополь шаҳри яқинида Боязид лашкари томонидан тор-мор этилганидан сўнг, уларнинг қироллари ваҳимага тушиб, нажот чорасини Боязидга қарши Амир Темур билан иттифоқ тузишда кўрдилар.

Биринчи навбатда Қора денгизнинг жануби-шарқий соҳилидаги мустақил Тарабзун юнон христиан қироллиги Амир Темурга тобелик изҳор этади. Тарабзун муҳим денгиз порти, Шарқ билан Ғарб савдо йўлидаги йирик воситачи саналарди. Константинополдан Амир Темур хузурига элчилар келиб Рум султонига қарши иттифоқ тузиш таклифини етказдилар. Амир Темур жавоб элчилари жўнатиб, ўз мактубида ушбу таклифга розилигини қайд этган ва айни вақтда, жизя ва бож тўлаш мажбуриятини ҳам юклаган. У

ёқдан яна элчилар келиб Византиянинг бу талабга розилигини маълум қилганлар.

Европанинг бошқа давлатларидан ҳам элчилар келиб, ўз қиролларининг Боязидга қарши курашда бирлашиш таклифларини етказганлар. Амир Темур уларга розилик билдириб жавоб мактублари йўллаган. Иттифокчилардан, асосан, денгиз томондан ҳарбий кемалар воситасида ёрдам бериш талаб этилган. Бу борада Ўрта денгиздаги савдо оборотини тўла қўлга олган ва Қора денгиздаги порт шаҳарларда ҳам кучли мавқени эгаллаб турган **Венеция** ўз кемалари билан воситачилик қилишга тайёр эди.

Амир Темур билан Европа давлатлари қироллари ўртасидаги ёзишмалардан гувоҳлик берувчи мактубларнинг бир қисми бизгача етиб келган. Жумладан, Константинополга, Франция қироли Карл VI га юборган мактублари; Франция қироли Карл VI нинг ва Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган хатлари; Мироншоҳнинг Европа давлатлари қиролларига жўнатган мурожаатномаси ана шулар жумласидандир. Соҳибқироннинг Кастилия қироли Генрих III га юборган элчисига ва мактубига жавобан, Кастилия қироли ўз номидан Руи Гонсалес де Клавихони юборди ва у 1403–1406 йилларда Самарқандга келгани, қайтиб боргач сафар хотираларини ёзиб қолдиргани маълум.

Бироқ **Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасидаги муносабатлар**нинг бузилиши туфайли, воқеалар бошқача тус олди ва Европа давлатларининг ёрдамига эҳтиёж қолмади. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”да ёзганларига қараганда, Рум подшоси Йилдирим Боязид илгарироқ Соҳибқиронга тобелик изҳор этиб, хирож тўлаб турган Арзинжон волийси Тахуртан қошига элчи юбориб ундан хирож тўлашни талаб қилган. Ушбу воқеадан сўнг, Амир Темур Рум подшосига бир пўписали насихатномадан иборат мактуб йўллайди. Рум подшоси бу мактубга жуда кўпол сўзлар билан жавоб қайтаради. Элчилар орқали қилинган кейинги мулоқотлар ҳам сулҳга эришиладиган натижа бермайди. Амир Темур Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни (улар қочиб Боязид ҳузуридан паноҳ топган эдилар) юборишни талаб қилади. Чунки Қора Юсуф кўл остидаги қорақўйли (қорақуюнли) қабиласи билан халқаро карвон йўлларида қароқчилик қиларди, улар ҳатто ҳаж сафари билан Маккага кетаётган карвонларни ҳам талаганлар. Йилдирим Боязид Амир Темурнинг талабини рад қилиш билан бирга, Сиваш вилоятини қайтариб беришни ҳам сўраган. Шундан сўнг, Анқара ёнида икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, Рум лашкари батамом енгилади, Боязид эса асир олинади ва бу ғуссага бардош бера олмай тез орада вафот этади (1403 йил 9 март). Амир Темур Рум мамлакати бошқарувини Боязиднинг ўғилларига қолдиради. Бу улуғ ҳиммат, кейинчалик, Туркиянинг қудратли давлатга айланишида муҳим омил бўлди.

Ушбу улкан ғалаба ҳақида жаҳоннинг турли мамлакатларига, жумладан, Европа давлатларига ҳам элчилар воситасида хабарлар юборилди. Амир Темур мактубларида давлатлар ўртасида элчилик муносабатлари ўрнатиш,

савдо-сотикни ривожлантириш, йўлларда савдо карвонларининг хавфсизлигини таъминлаш кабилар кўрсатилган.

Амир Темур Рум подшоси устидан ғалаба қозонганидан сўнг, Миср подшоси Фараж, охириги умиди ҳам узилиб, бўйсуннишни тан олиб, бутун Миср мамлакатада Соҳибқирон исми билан танга зарб қилди ва номини хутбада зикр этадиган бўлди; элчи юбориб хирож ва мол тўламоқни зиммасига олди. Амир Темур унинг элчиларини яхши қабул қилиб, Фаражни ўз ўрнида, яъни Миср тахтида қолдирганини, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарлари бўйича ҳам илгаригидай мутасадди этилганини маълум қилди.

Соҳибқирон 1404 йили Самарқанднинг Конирил ўлангида берган катта тўй-томошаларда, турли мамлакатлар - Ифранж, Ҳиндистон, Дашти Қипчок каби жойлар элчилари қатори Мисрдан ҳам элчи бор эди. Амир Темур подшоҳона илтифот кўрсатиб, унга кўп инъомлар беради, хилъат ва камар билан тақдирлайди ҳамда мавлоно Абдуллоҳ Кеший бошчилигида бир гуруҳни турли-туман совға-саломлар билан Мисрга ўз номидан элчи қилиб жўнатади ва мактуб ҳам йўллайди. Мактубда, жумладан, Султон Аҳмад ва Қора Юсуф туркман Соҳибқирон кўшинларидан кўрқиб, Миср диёрига қочиб кетганлиги ва Миср султони уларни қамаганлигига хайрихоҳлик изҳор этилиб, Султон Аҳмад жалойирни банди қилиб ва Қора Юсуфни банддан бўшатган ҳолда Самарқандга жўнатиш буюрилган эди.

Етти йиллик юришни Соҳибқирон тўла ғалаба билан якунлади. Бунинг натижасида Арабистон ярим ороли, Африканинг Миср мамлакати жойлашган қисми, Кичик Осиё ва Ғарбий Европанинг илгари Боязид эгаллаган худудлари Амир Темур ҳукми доирасига кирганди.

Савдо-элчилик муносабатларини ривожлантириш анъанаси Амир Темур авлодлари томонидан давом эттирилди. Мирзо Шоҳрух ўз ҳукмдорлиги йилларида Темурийлар давлатининг тинч-тотувлиги учун катта ҳисса қўшиб, давлатлараро дўстлик, ҳамкорлик, савдо-сотик, элчилик муносабатларини ривожлантириш сиёсатини олиб борди. Бу даврда Марказий Осиёда улкан иқтисодий ва маданий юксалиш кузатилади. Темурийлар давлатига Мўғулистон, Тибет, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Уралдан савдо карвонлари ва элчилар келган.

Шоҳрух салтанатида Темурийлар давлатининг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга Хитой элчилари келган пайтдан бошланади ва кейинги йилларда алоқалар мунтазам давом этди. Хитой солномаларида 1403–1449 йиллар давомида Хитойга Самарқанддан ўттиз уч марта ва Ҳиротдан ўн тўрт марта, шунингдек, Темурийлар давлатининг бошқа вилоятларидан ҳам бир қанча элчилар келганлиги қайд этилган. Ҳар икки томондан ҳукмдорлар ўзлари йўллаган мактубларида дўстлик муносабатлари ўрнатиш, савдо-сотикни ривожлантириш, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашни алоҳида таъкидлаганлар. Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида ёзилишича, 1419 йили Хитойдан элчилар ташриф буюриб, дастлаб Самарқандда тўхтаган, сўнгра Ҳиротга бориб, у ердан турли вилоятларга – бир гуруҳи Шерозга, яна бир гуруҳи Хоразмга борган.

Унга жавобан 1419 – 1422 йилларда Темурийлар давлатидан жуда катта элчилар гуруҳи (530 киши) Хитойга бориб келган ва унда турли вилоятлардан вакиллар бўлган.

Бойсунғур мирзо ўз номидан юборган Ғиёсиддин Наққош зиммасига сафарда барча кўрган-кечирганларини кундалик тарзида аниқ ёзиб келишни топширган. Ҳозирги вақтда Ғиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган сафарнома Ҳофиз Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида қайд этилган шаклда мавжуд ва ўзбек тилига ҳам ўгирилган⁶⁹.

Умуман олганда, хитой солномаларидаги маълумотлардан келиб чиқиб, Улуғбек ҳукмдорлиги йилларида Мовароуннаҳр билан Хитой ўртасида деярли мунтазам элчилик алоқалари бўлган, деб хулоса қилиш мумкин. Бу анъана XV асрнинг иккинчи ярмида ҳам қисман давом этди ва Самарқанддан Султон Аҳмад мирзо ҳукмронлиги (1469 - 1494) даврида 1481, 1488, 1490 йилларда Хитойга элчилар боргани маълум⁷⁰.

Амир Темур даврида Ҳиндистон билан йўлга қўйилган савдо-элчилик алоқалари кейинчалик ҳам давом этди ва XV асрнинг биринчи ярмида унинг таъсир доираси янада кенгайиб, бу ўлканинг жанубий ва шарқий чеккаларини ҳам қамраб олганди. Чунончи, Мирзо Шохрух ҳукмронлиги йилларида Темурийлар давлатининг шон-шухрати Ҳиндистон ярим оролининг жанубий қисмларида жойлашган Бангола (ҳозирги Бангладеш давлати ҳудуди ва унга ёндош ерлар) ва Вижаянагар давлатларигача етиб борган эди.

Шимолий Ҳиндистондан 1411, 1416, 1421 йилларда элчилар келиб, 1442 йили Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида Ҳиндистонга элчи юборилган. Абдураззоқ Самарқандий денгиз йўли орқали Жанубий Ҳиндистонга бориб келган ва ўз сафари ҳақида кундалик ҳам ёзиб қолдирган.

Умуман олганда давлатлараро савдо-элчилик муносабатларини ривожлантиришга интилиш Амир Темур ва унинг авлодлари салтанатида халқаро муносабатлар сиёсатида асосий ўринни эгаллаган. Буюк Ипак йўли орқали савдо йўллари тизимининг айна шу даврда қайта юзага келганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг **“Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий топонимияси”** номли бешинчи бобида XIV – XV асрларда Марказий Осиё ҳудудида ёзма манбаларда қайд этилган *табиий объектлар номлари* ва *маъмурий-ҳудудий ҳолат ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ топонимлар* таҳлил қилинган.

Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиёдаги *табиий объектлар номлари*- денгизлар, кўллар дарёлар, кечув (гузар)лар, тўғонлар, кўприклар, коризлар, тоғлар, довлонлар, даралар, тепаликлар, дашт, яйлов, чўл, мавзе, жулга, йўл номларини ўз ичига олади.

⁶⁹ Ғиёсиддин Наққош. Хитой сафари кундалиги (2017).

⁷⁰ Каримова Н.Э. Темурийлар билан Хитой алоқалари (хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик. – Тошкент, 1996. №7. – Б.44–59.

Каспий денгизи ўша денгиз атрофидаги вилоятлар номлари билан «Мозандарон денгизи», «Гилон денгизи», Боку денгизи ва афсонавий номда Кулзум денгизи, Орол денгизи – Жайхун кўли, Балхаш кўли – Кўкча Тенгиз деб аталган.

Амударё – Жайхун дарёси, Омуя дарёси, юқори оқимида – Панжоб, Термиз суви, куйи оқимида – Эски Ўкуз, Гурлан ариги, унинг ирмоқлари - Сурхоб, Ғунд, Вахш, Ҳисор ва Чагонруд (ҳозирги Сурхон дарёси) номлари билан қайд этилган. Сирдарё – Сайхун, Хўжанд дарёси, унинг ирмоқлари - Хуршоб (ҳозирги номи Куршоб), Парак суви ёки Чир суйи (ҳозирги Чирчик дарёси) ва Ахси суйи (ҳозирги Косонсой), Зарафшон дарёси – Кўҳак дарёси, Бухоро шаҳри ёнидан ўтган тармоғи Зар ариги (Жўйи Зар), Қашқадарё – Рудак суви деб қайд этилган.

Кичикроқ сув тармоқларидан: Андижон суйи (руд) – Ўш шаҳридан ўтиб Андижонга етиб келган, Қирғизистон ҳудудидаги ҳозирги номи Окбура; Иламиш (Ирамиш) дарёси – Андижон вилоятининг жануби-шарқида; Кубо суви – ҳозирги Қувасой, Санг суйи – дарё, сой, Наманган вилоятида; Дарғам суйи – ариқ, Самарқанд вилояти, ҳозир ҳам шу номда; Булунғур суви (ҳозирги номи Булунғур ариғи) — Зарафшон дарёсининг бир тармоғи; Ём суви — ҳозирги Жом сойи, Самарқанд вилоятида; Обираҳмат- (Сиёҳоб ва Қорасув шаклларда ҳам берилган, бошқа аталиши Сиёб, Самарқанд шаҳри чеккасида; Самарқанд суви — Зарафшоннинг чап тармоғи, яъни Қорадарё; Хушко суви — ҳозирги Қизилдарё (Қизилсув, Яккабоғдарё), Қашқадарёнинг ирмоғи; Чакдолик — ҳозирги Ўрадарё ва Кичик Ўрадарё сойлари (Ғузордарёнинг асосий ирмоқлари).

Марказий Осиёнинг шарқий қисмидаги сувлар номлари сони Мирза Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида анча кўп. Или дарёси номи ўзгармаган, унинг иккита сўл ирмоғи – Кангар (ҳозирги номи Кунгес) ва Жорун суви (ҳозирги Чарин дарёси), Ирмиш дарёси ҳам ҳозирги аталишида берилган.

Мўғулистон ҳудудида: Бугом дарёси, Тика дарёси, Байкўл, Санкўл (Санкўл), Чадиркўл; Айша-Хотун-дарё, Норин-дарё, Чулак – дарё; Барсқун (Барсхон) – дарё, Марказий Мўғулистон; Олабуга (Норин дарёсининг ирмоғи); Отбоиш – дарё; Чу (Чуй) дарёси. Кўчқор (Чу дарёсининг йирик ирмоғи); Бодом суви – ҳозир ҳам шу номда, Чимкент шаҳрининг жанубидан оқиб ўтади ва Арис дарёсига қуйилади. Оқсув вилоятида - Оқсув, Тарим, Черчен; Ёрканд вилоятида – Ёрканд (Ёрканд шаҳрига оқиб келувчи дарё), Тезоб; Хўтан вилоятида – Хўтан дарёси, Оққош, Қорақош, Ўрунқош; Кошғар вилоятида – Тиман, Қора Тазгун, Кусан Тазгун, Шаҳноз дарёлари номлари эслатилган.

Хуросон ва ҳозирги Афғонистон ҳудудида: Мурғоб дарёси – Темурийлар даври ёзма манбаларида шу номда келади. Унинг куйи қисмидан Марв шаҳрига қазиб келтирилган ариқ (канал) Марв ариғи деб номланган. Ҳилманд дарёси – Ҳирман (Ҳирманд) суви, Ҳерируд – Ҳиротруд шаклларда берилган. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида: Журм суви (ҳозирги

Журм дарёси) – Кўкча дарёсининг асосий ирмоқларидан бири; *Дарайи-гез суви* – Балхоб дарёсининг тармоғи, ҳозир ҳам шу номда. *Артуж* – ҳозирги Вардуж дарёси, Кўкча дарёсининг ирмоғи, *Жўйи нав*, *Жўйи Султоний*, *Картабор суви* номлари эслатилган.

Кечув (гузар)лар номлари. XIV–XV асрларда йирик дарёлардан ўтиш учун турлижойларда кечувлар ва уларнинг ҳар бирининг ўз номи бор эди. Жайхун (Амударё) бўйлаб, унинг юқори ҳавзасида – *Арҳанг кечиги*, *Чубак кечиги*, *Убож (Авбожа; Уёж) кечуви* – Кофарниҳон дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидаги кечув (гузар); Амударёнинг ўрта қисмида – *Карки*, *Келиф*, *Омуя (Чоржўй)* кечувлари номлари ўша давр манбаларида қайд этилган. Сирдарёда *Порсин кечуви* (Оҳангарон дарёси қуйилишидан жануброқда) ва *Чинос кечуви* (Чинос аҳоли маскани ёнида) номлари қайд этилган. Мазкур топонимларнинг пайдо бўлиши кечувларда шаклланган аҳоли масканлари номлари билан боғлиқ.

Тўғонлар, кўприклар ва коризлар номлари. Бундай топонимлар сувлар билан бевосита боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Тўғонлар: *Банди Булғазоний*, *Банди Рошқак*, *Банди шаҳр*; кўприклар: *Пули Дуоба*, *Пули Мурғоб*, *Пули Инжил*, *Пули Оби Чакан*, *Пули Коранд*, *Пули Молон*, *Пули Солор*, *Пули Фушанж* ва ҳ.к.; коризлар: *Мухтор коризи*.

Тоғлар, доvonлар, даралар, тепаликлар номлари (оронимлар). Темурийлар даври ёзма манбаларида ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида қайд этилган йирик тоғ тизмалари (Тяньшань, Помир-Олой, Ҳисор, Зарафшон, Туркистон, Ҳиндукуш, Туркман-Хуросон) номларидан фақат *Олой тоғлари* ва *Ҳиндукуш* деган номлар учрайди холос. *Ҳиндукуш* топоними иккита жойга тегишли: 1) доvon (*ақабайи Ҳиндукуш*) – Ҳиндукуш тоғ тизмасидаги ҳозирги Саланг доvони; 2) тоғ тизмаси (*кўҳи Ҳиндукуш*) – ҳозирги Ҳиндукуш тизмаси.

Мовароуннаҳр ҳудудида: *Аллонқуҳ* – Ало қалъаси атрофидаги тоғлар, Ғарбий Тяньшань; *Алоқасроқ тоғи* – Зарафшон тизмаси ғарбий тармоғининг Кеш билан Самарқанд оралиғидаги қисми; *Кўҳи Нур* – ҳозирги Нурота тоғлари; *Еттикент тоғлари* – Олой тизмасидаги тоғ, Андижондан жанубда; *Мунғил* (Митуғил) тоғи – тоғ, Хўжанднинг шимолида, Шимолий Тожикистон; *Масиҳо* (тўғриси: Масчо) кўҳистони – тоғ, Зарафшон тизмасининг ўрта қисми; *Олатоғ-тоғ*, Андижон билан Ўзганд оралиғида; *Кўҳтан* – ҳозирги Кўҳитан тоғи, Ҳисор тизмасининг ғарбий учи; *Сара тоғи* Ҳисор тизмасида; *Фалғар кўҳистони* – ҳозирги аталиши Фархор, Зарафшон тизмасининг ўрта қисми; *Шовдор тоғи* (Шоҳдор) – тоғ, Самарқанд вилояти; *Шунқорхона тоғи* – тоғ тизмаси, Туркистон тизмасининг Самарқанд вилояти жанубидаги бир тармоғи; *Пуштаи Кўҳак*; *Кўҳак тепалиғи* – Самарқанд шаҳри ёнидаги тепалик (бошқа номи *Чўпонота*); *Қорбуғ* пуштаси – тепалик, Самарқанд вилояти; *Оққия* — Қашқадарё вилояти.

Довонлар: *Оққўтал* – Туркистон тизмасида, тахминан ҳозирги Илонўтти атрофларига тўғри келади; *Кеш доvони* (“Бобурнома”да *Итмак доvони* дейилган), ҳозирги номи – Тахтақорача; *Андигон доvони* — Кошғар билан Фарғона водийси оралиғида (ҳозирги Карвонқўл доvони); *Абон кўтали* –

довон, Чотқол тизмасида; *Кандирлик довони* – Чотқол тизмасида, ҳозир ҳамшу номда. Оҳангарон дарёсининг ана шу довондан оқиб тушадиган сўл ирмоғи ҳам мазкур довон номи билан Кандирсой деб аталган.

Тоғ даралари: *Комруд дараси* – Зарафшон тизмасида; *Танги-Чакчак* – Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани ҳудудида, ҳозирги номи Чакдара; *Дарбанди Оҳанин* — Сурхондарё вилояти, Бойсундан ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара. Темурийлар даври ёзма манбаларида бу ном *Қаҳлаға ва Дарбанди Оҳанин* шаклларда ёзилган. Амир Темур салтанатида мазкур дара божхона вазифасини ўтаган ва у ерда махсус кўрғон ҳам қурилган эди. Унинг тавсифи Клавиҳо “Кундалиги”да яхши берилган. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд кишлоғи бор, Бойсун тумани ҳудудида;

Дашти Қипчоқда: *Кичик Тоқ* (ҳозирги Кўктўбе) ва *Улуз Тоқ* (ҳозирги Улутов), *Қарачуқ тоғлари* (ҳозирги Қоратов тоғлари).

Мўғулистон ҳудудида: *Торицин тоғлари* – тизма, Жанубий Мўғулистон; *Отбоши* – тоғ тизмаси, водий, дарё (Нориндарёнинг чап ирмоғи); *Бугом дараси*; *Тошработ дараси*; *Аражтов довони* – Ғарбий Мўғулистон; *Узноқ довони* – Марказий Мўғулистон; *Урдўбан* – Шарқий Мўғулистон; *Дўбшин* – *Юлдуз довони* – Шарқий Мўғулистон, Юлдуз яйловидан Қорахожа томонга шу довон орқали ўтилади; *Қулон довони* – Ғарбий Мўғулистон; *Абр-Кити-Кутал (довони)* – Орқа Или Олатовида; *Андижон довони* – Фарғона водийсидан Кошғарга ўтадиган йўлда; *Кити-Кўтал* – Или дарёсининг юқори сўл ҳавзасида, Чилик билан Чорин дарёлари оралиғидаги тоғ довони; *Жавку* (Сунгтош) – довон, *Қорақиз* – довон, *Барсқун* (Барсхон) – довон, Терскей Олатовнинг ғарбий қисмида; *Хажар-тоғ ўткили*; *Юлдуз яйлоқи* – тоғ яйлови, Мўғулистон; ҳозирги Кичик Юлдуз яйлови, Тяньшань (Тангритоғ)даги Хайдан-гол дарёсининг юқори ҳавзасида; *Қалқун йўли* – тоғ йўли, Орқа Или Олатови тизмасида;

Манглай-Субе (Шарқий Туркистон)да: *Қоронғутоғ* – Тибет тоғлари; *Арбат*, *Раскам*, *Тагдумбош* - Оқсув шаҳри яқинидаги тоғлар ва уларнинг этагидаги дашт номи; *Шаҳноз* - довон, дарё ва водий номи, Кошғар вилояти; *Сакри довони*, *Санжу довони*; *Сариқўл* - водий, Сариқўл тизмасининг этаги, Помир тоғлари тизимида;

Ҳозирги Афғонистон ва Хуросон ҳудуди бўйича: *Артуж дараси* – ҳозирги Вардуж дараси; *Журм довони* – Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони; *Карғас довони* – Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони; *Шодиён тоғи* – ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган тоғ тизмаси, ҳозир ҳам шу ном билан аталади; *Қунгур-ўланг* – Кўкча дарёси ҳавзасидан жануби-шарқдаги тоғлар; *Ҳиндукуш довони* – Ҳиндукуш тоғ тизмасидаги ҳозирги Саланг довони; *Журзавон* (тоғи) – ҳозирги Паропамиз тоғ тизмасининг бир қисми; *Бодғиснинг Қорабоғи* – ҳозирги Банун Туркистон тоғ тизмасидаги Қорабел қири (мазкур давр манбаларида яна битта *Қорабоғ* эслатилган; у Кавказда жойлашган бўлиб, *Аррон Қорабоғи* деб номланган); *Бовлигоҳ тоғи* – Ҳирот яқинида; Мухтор

тоғи (*Кӯҳи Мухтор ёки Кӯҳи Сайид Абдуллоҳ Мухтор*), Ҳирот яқинида; *Кӯҳистон* – ҳозирги Кӯҳи Сурх тизмаси; *Лахшак* – ҳозирги Копетдоғ тизмасидаги жанубий тоғлардан бири; *Дубаророн дараси* – Мухтор тоғидаги дара; *Кутали Санжоб* – Ҳирот яқинидаги тоғ довони; *Табас* – биёбон ва тоғ тизмаси, Хуросоннинг ғарбий қисмида, Дашти Кавир чўлидан шарқда; *Кӯҳи Кийту* (тоғ яйлови) — Мурғоб дарёсининг ўрта ҳавзасида; *Сариқўл* - тоғ тизмаси, Бадахшон вилояти; *Танги Боло* – дара, Бадахшон вилояти;

Тоғлар тавсифи «**Бобурнома**» да анча муфассал (32 та тоғ ва тепаликлар, 25 та довон, 10 та дара номлари қайд этилган): *Афғонистон тоғлари* – ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида; *Бангаиш* – Жанубий Афғонистон; *Баракистон тоғи* – Кобулдан жануби-ғарбда; *Бомиён тоғи* (*Бомиён*); *Газю* – тоғ, Кобул вилояти; *Дараи Зиндон* – тоғ, Кобул вилояти; *Дараи Сўф* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Дашт* – дашт, тоғ, Жануби-Ғарбий Афғонистон; *Кӯҳи Жуд* (*Кӯҳи Сафид*) – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Кӯҳи Меҳтари Сулаймон* – тоғ, Жанубий Афғонистон, ҳозирги Сулаймон тоғлари; *Кӯҳи Сафид* – тоғ, Нингнаҳорнинг жанубида, Афғонистон; *Кӯҳи Соф* – тоғ, Балх вилояти, Афғонистон; *Ламгон тоғи* – тоғ (“қорлик тоғ Ламгон тоғидур”), Кобул вилояти; *Минор тоғи* – тоғ, Кобул шаҳридан шимоли-ғарбда; *Мургон тоғи* – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Назар* – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Олгу тоғи* – тоғ, Толиқон яқинида, Шимолий Афғонистон; *Савод тоғлари* – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Теба* (*Тена*) – тепалик, ўланг, Кобул ёни; *Уқобайн* – тоғ тумшуғи, Кобул яқинида; *Хайбар тоғлари* – Ҳиндистондан Кобулга келадиган йўлдаги тоғ тизмаси, Жанубий Афғонистон; *Хожа Исмоил тоғи* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Хожа Региравон* – тоғ, Кобул вилояти; *Чўпора тоғлари* – тоғ, Жанубий Афғонистон; *Шоҳи Кобул* – тоғ, Кобул шаҳрининг жануби - ғарбий ёнида; *Якланга пуштаси* – тепалик, Жанубий Афғонистон; *Қаргабулоқ пушталари* – тепаликлар, Кобул вилояти; *Қорату* – тоғ, Кобул вилояти; *Ғаржистон* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Ғўр* – тоғ, Шимоли-Ғарбий Афғонистон; *Ҳазора* – тоғ, Ғарбий Афғонистон; *Ҳиндукуш тоғи* – тоғ тизмаси, Афғонистон.

Довон (кўтал)лар: *Бодич кўтали* – довон, Кобул вилояти; *Бозарак* – довон, Ҳиндукуш; *Гунбазак кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси, *Дандонишкан кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси; *Дири кўтали* – довон, Кобул вилоятининг жанубий қисмида; *Жавак кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси; *Жигдалик кўтали* – довон, Кобул вилоятидан шарқда; *Кўра* – довон, Кобул вилояти; *Кўтали Заррин* – довон, Ҳиндукуш тизмаси; *Муҳаммадних добони* – довон, Жанубий Афғонистон; *Нирх кўтали* – довон, Кобул вилояти; *Панжхир* (*Панжшер*) – довон, Ҳиндукуш тизмасида; *Порандий кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси; *Сангдоки кўтали* – довон, Жанубий Афғонистон; *Тўл* – довон, Ҳиндукуш; *Шибарту кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмасида; *Хайбар* – довон; *Янгийўл кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмасида; *Қарокўба кўтали* – довон, Кобул вилоятининг жанубида; *Қипчоқ кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмасида; *Ҳамтоту* (*Ҳамботу*) кўтали – довон; *Ҳафтбача* – 7 та

довон, Ҳиндукуш; *Ҳиндукуш кўтали* – довон, Ҳиндукуш тизмаси; *Хубён (Хупиён) кўтали* – довон.

Даралар: *Ажар дараси* – жой, Коҳмард вилояти; *Дараи Бой* – дара, ҳозирги Шимолий Афғонистон; *Дараи Бом* – дара; *Дараи Хуш* – дара, Ҳиндукуш тизмаси; *Деврин тангиси* – дара, Кобул яқинида; *Деҳи Яъқуб тангиси* – дара, Кобул вилояти; *Пичгон (Жизгон)* – (Пижгон); Пижгон дараси – дара, Кобул вилояти; *Пуромин дараси* – дара, Кобул вилоятидан жануби-шарқда; *Санжид (Санжид дара)* – дара, Кобул вилояти; *Ғурбанд тангиси* – дара, Кобул вилояти шимолида.

Бошқа табиий объектлар номлари: Темурийлар даври ёзма манбаларида табиий объектлардан яна **дашт** (*Айғирёли дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Алакўл дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Ит-ичмас дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Ични-Бучни дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Улоқ – чарлиқ дашти* – Шимолий Мўғулистон; *Қуратов дашtlари* – Марказий Мўғулистон; *Хоразм дашти (Дашти Хоразм)* – Қорақум чўли; **яйлов** (*Улуғ Юлдуз ёки Юлдуз мавзеи* ва *Кичик юлдуз*; *Ишканиш яйлоқи* – Қундуздан тахм. 90-100 км жануби-шарқдаги мавзе, ҳозир ҳам шу номда); **чўл** (*Кеш чўли*); **мавзе** (*Жўйбори мавзеси* – Ғузордарёнинг қуйи қисми; *Жорун мавзеи* – Мўғулистон ҳудудидаги *Чарин* дарёси водийси, Или дарёсининг ирмоғи; *Кўктўба мавзеи*, *Пойтоқ мавзеи*, *Уч-Қармон* (тўғриси: Уч-Фармон) мавзеи); **жулга** (*Кеш жулгаси* – Кеш дарёси (Қашқадарё) водийси); **йўл** (*Кўрдунг йўли*; ҳозирги Деҳқонобод туманидаги Кўрдара адири).

Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиёдаги **маъмурий-худудий ҳолат ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ топонимлар** вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қўрғонлар, қасабалар, кичик аҳоли масканлари, боғлар, экинзорлар ва бошқа турли жойлар номларидан иборат.

Маъмурий-худудий бирликлар номларига ўлка, вилоят, туман (булук, ўрчин) номлари киради. Кўпинча номнинг ўзи (Шош, Сўх, Суғд, Кармина, Чағониён, Хатлон, Қоратегин ва ҳ.к.) ва баъзан жой номи атама билан бирга берилган (Фарғона вилояти, Работак ўрчини, Хўқон ўрчини, Шовдор тумани).

Мовароуннаҳр ҳудудида қуйидаги вилоятлар ва ўлкалар номлари берилган: *Мовароуннаҳр* – IX асрдан бошлаб мамлакат номи сифатида қайд этилган ва Темурийлар даври манбаларида ҳам бу анъана сақланган. *Фарғона (Фарғона вилояти)* – Фарғона водийси назарда тutilган; *Ўш вилояти*; *Андигон (Андижон)* – Фарғона вилоятининг пойтахти; *Ахси* – Фарғона вилоятидаги кичик вилоят; *Исфара (Исфара вилояти)* – Фарғона вилоятидаги кичик вилоят; *Хўжанд (Хўжанд вилояти)* – Фарғона вилояти таркибидаги вилоят; *Ўратена*–вилоят; Тошканд (*Тошканд*; Тошканд ва Шохрухия вилояти); *Миёнкал* – Суғднинг ўрта қисми; *Самарқанд*, *Бухоро*, *Кармина*, *Қоракўл*, *Кеш (Шаҳрисабз)*, *Хузор*, Термиз, *Чағониён*, *Хоразм*, *Ҳисор (Ҳисори Шодмон; Ҳисор вилояти)*, *Хутталон*, *Қоратегин (тоғли ўлка)*, *Бадахшон (Кўхистон)*; *Дизақ (Дизак)*, *Навандок*, *Помир*, *Ўзганд (Ўзжанд)*, *Кухистон* (1.Бадахшон; 2.Самарқанддан жанубдаги тоғли ҳудудлар), *Вахон*

(Помирдаги тарихий вилоят). Мовароуннахр худудида вилоятлар номлари “Бобурнома” да нисбатан кўп.

Марказий Осиёнинг шимолий қисмида: *Дашти Қипчоқ* – Жўжи ва унинг авлодларига мансуб ерлар; *Жўжи улуси* (Улуси Жўжи) - ўз вақтида Чингизхон томонидан ўғли Жўчихон (Жўжихон)га мулк қилиб берилган ерлар; унга ҳозирги Қозоғистон худуди ва ундан шимол ҳамда ғарбдаги ёндош ерлар кирган; *Туркистон* – XV аср манбаларида Фарғона водийсидан шимолдаги жойлар ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ўнг соҳил ерлар шундай аталган. “Бобурнома” да шаҳар (Яси шаҳри) ва ўша атрофдаги вилоят номи; “Тарихи Рашидий” асарида *Туркистон* – ўлка номи тарзида (Мовароуннахр ва Туркистон шаклида) келади; *Яси вилояти* – Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси (бир қисми) шундай аталган. *Ўзбек улуси* – 1) умуман Жўчи улуси, баъзан ушбу улуснинг шарқий ёки ғарбий қисми; 2) Олтин Ўрда; Сигноқ, Янги вилояти, Ибир (Ибир ва Сибир); *Дашти Хазар* (Дашти Қипчоқнинг бир қисми), *Қозоқ* (мамлакат, Дашти Қипчоқ назарда тутилган); *Ўзбекистон* (вилоят, Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси).

Мўғулистон ва унга шарқдан ёндош худудларда: *Чигатой улуси* - Чингизхон томонидан ўғли Чигатойга мулк қилиб ажратилган ерлар; унга Мўғулистон, Мовароуннахр ва унга ёндош жойлар кирган. Темурийлар даври ёзма манбаларида кўпроқ XIV аср 1-ярми тарихий воқеалари баёнида эслатилган. Мазкур топоним “Тарихи Рашидий” асарида *Чигатойхон юрти*, *Чигатойхон улуси* шаклларда ёзилган; *Жата улуси* (*Жата*; *Жато*; *Жете*) - *Мўғулистон* топонимининг синоними сифатида келади; *Мўғулистон* (*Мўғул вилояти*) – XIV аср ўрталаридан бошлаб Чигатой улусининг шарқий қисми шу ном билан аталган; *Олтой* (*Алтой*) – ўлка, ҳозирги Олтой ўлкаси худуди; *Қалмоқ* — Мўғулистонга шарқдан чегарадош вилоят; *Манглай Субе* – мамлакат, “Тарихи Рашидий” асарида Мўғулистоннинг жанубий қисми (Шарқий Туркистон худуди) шундай аталган; *Кошгар*, *Хўтан*, *Қомул* (*Кумул*) вилоятлари.

Хуросон ва ҳозирги Афғонистон худудида вилоятлар номлари “Матлаи саъдайн” да ва “Бобурнома”да нисбатан кўп: Абивард (Бовард), Андароб, Астробод, Афғонистон, Бадахшон, Балх (Балх вилояти), Банну, Бағлон (Баклон), Бодифис (Бодфис), Бохарз, Гармсер (Гармсер ва Ҳирман), Гурух вилояти, Деҳистон, Доварзамин, Ёзир, Жармакон (Жармагон), Жом (ҳозирги номи Турбати Жом), Жузжон (Гузгон, Гузгонон) вилояти, Зарах, Заминдовар, Зобул (Зобулистон), Исфизор, Ишкамиш, Карух вилояти, Кобул вилояти, (Кобулистон), Кофиристон, Кусавия (Кусуя), Кўҳистон, Ламғон (Ламғонот), Маймана, Мохон вилояти, Мурғоб, Нағар, Нисо (Насо), Парвон, Сабзавор, Сарахс, Сеистон, Сон, Сохарон, Тарнук, Толиқон, Тулак, Тун, Туршиз, Тус, Тўхористон, Фарох, Хайсор, Хост, Хуросон, Чорьяк, Шибирғон, Шофлон (вилоят), Қалот (Қалот ва Тарнук вилояти), Қандаҳор, Қундуз вилояти, Ғазни вилояти (Ғазнин), Гунд, Гур, Ҳазора, Ҳазораи Око, Ҳиротруд вилояти.

Темурийлар даври манбаларида **вилоятдан кичикроқ маъмурий бирликлар номлари туман, булук, ноҳия, ўрчин** атамалари воситасида ифодаланган. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Ҳирот вилоятида Гудора (Гузора), Инжил булуки, Олинжон булуки, Ғўрувон (Ғўрон) ва Поштон булуки, Турон (Турон ва Тўнён) булуки, Хиёбон булуки, Сабкар булуки, Парвона ва Ҳаводаштак булуки, Камбароқ (Камирон) булуки, Удвон ва Тизон булуки, Тирон (Тизор) булуки санаб ўтилган. “Бобурнома”да Мовароуннаҳр бўйича: Ворух, Исфара, Палғар, Сўх, Ҳушёр булуклар, Суғд, Шовдор туманлар, Работи Сарҳанг, Хўқон ўрчинлар деб аталган. Хуросон ва ҳозирги Афғонистон ҳудудлари бўйича: Аласой, Кома булуклар, Алингор, Алишанг, Бангаш, Зурмат, Кунар, Кунру, Лахугар, Мандровир, Нижров, Нигнаҳор (Нагарҳор), Нургил, Панжхир, Фармул, Чағонсарой, Ғўрбанд туманлар номлари шаклида қайд этилган.

Шаҳарлар, кўрғонлар, қасабалар номлари. Мовароуннаҳрда: *Андигон (Андижон), Ўзганд, Акси (Ахсикат) қалъаси, Ало қалъаси (Тошкент вилоятида), Тошканд, Хўжанд, Шоҳрухия, Дизак, Самарқанд, Ғиждувон, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Қариши (Насаф), Хузор, Термиз, Ҳисор, Хатлон, Солисарой; Хоразм ҳудудида: Кот, Хивақ; ҳозирги Туркменистон ҳудудида: Омуя, Марв, Карки кўрғони, Астробод; Дашти Қипчоқда: Ошпара (Ашпара, Ошбара), Сайрам (Сайрам қалъаси), Ўтрор, Саврон қалъаси, Яси шаҳри; Манглай Субе (Шарқий Туркистон) ҳудудида: Кошгар, Хўтан, Турфон, Қорахожа, Кумул; Хуросон ва ҳозирги Афғонистон ҳудудларида: Андохуд, Арҳанг (Арҳанг-Сарой); Дурфишой қалъаси; Кешм (Кишм); Нироту (Нироту ҳисори); Увбаҳ (Убаҳ); Форёб; Шибиргон; Қандаҳор; Кундуз; Ҳирот (Ҳерий, Ҳарий).*

Темурийлар даври ёзма манбаларида шаҳарлар микропонимияси ҳам акс этган ва улар дарвоза, қаср, бозор, қабристон, бурж, минора, майдон, гумбаз, мақбара кабилар номларидан иборат. Самарқанд шаҳрида: *Айюб дарвозаси, Кўкгунбаз (қаср), Оҳанин дарвозаси, Шайхзода дарвозаси, Қусам ибн Аббос мазори* ва ҳ.к. Ҳирот шаҳрида: Ихтиёруддин қалъаси, Фалакуддин (минора), Дарвозайи Малик, Дарвозайи Хуш, Ироқ дарвозаси, Қипчоқ (дарвозаси), Ферузобод дарвозаси, Шавониён (бурж), Намозгоҳ, Маҳди Улё Гавҳаршод оғо мадрасаси, Низомия (мадраса), Муҳаммад Султоншоҳнинг гумбази, Хиёбон кўчаси, Чорсу, Бозори Малик, Бозори Ироқ, Саодат майдони.

Бир гуруҳ жой номлари савдо йўллари бўйлаб шаклланган **работ, лангар ва манзилларни** ўзида ифодалайди: *Работи Ём; Амирдовуд работи; Тумон оқо работи; Тўқуз (работ); Шоҳмалик работи; Қутлуг Темур работи; Амир Ғиёс лангари; Қашқо манзили; Дарайи Зангий манзили; Барсин манзили; Қовту манзили.*

Бир гуруҳ топонимлар **боғлар номларидан** иборат. Самарқанд шаҳри ва атрофида: Боғи Шимол, Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Беҳишт, Боғи Булдо, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғи Зоғон, Боғи Баланд, Боғи амирзода Улуғбек, Боғи Майдон. Ҳирот шаҳри ва атрофида: Боғи амир Шоҳмалик,

Боғи Жаҳоноро, Боғи Зоғон, Боғи Нав, Боғи Назаргоҳ, Боғи Сафид, Боғи Шаҳр, Зубайда боғи, Боғи Хиёбон; Кобул шаҳри атрофи ва вилоятида: *Боғи Биҳишт, Боғи Вафо, Боғи Калон, Боғи Наврӯзий, Боғи Хилват, Боғи Юрунчқа*.

Ҳофизии Абру “География”сида Хуросон бўйича девон дафтарларидан олинган ва Самарқанд вақф хужжатларида Мовароуннаҳрга оид **экинзорлар** (*мазраа*) номлари ҳам берилган.

Таъкидлаш жоизки, Темурийлар даври ёзма манбаларида кўп ҳолларда топонимлар *мавзе(жой)* атамаси орқали ифодаланган (Қулбула мавзеи, Қаросмон мавзеи) ёки жой номи фақат ўзи берилган (*Кониғил, Қорабулоқ, Кўҳи Нур, Оқсулот, Тўқмоқ, Бурлоқ, Фушанж* ва ҳ.к.) шаклларда келади ва унинг қандай жой эканлигини аниқлаш мушкул (баъзи ҳоллардагина бу муаммони матн мазмуни ёрдамида ҳал қилса бўлади).

ХУЛОСА

1. Марказий Осиё тарихий географиясини Темурийлар даври ёзма манбалари асосида ўрганиш фанда XIX аср иккинчи ярмидан бошланган (шаҳарлар топографияси, савдо йўллари тарихи, тарихий топонимия, аҳоли масканлари локализацияси, этник тарих ва ҳ.к.) ва мавжуд изланишларда муаммонинг айрим қирралари ёритилган. Тадқиқотчилар археологик материаллар ва араб, форс, туркий, хитой тилларда ёзилган ёзма манбалар маълумотларига таянганлар.

2. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси бўйича маълумотлар тарқоқ шаклда учрайди, уларни матндан топиб, аниқ тизимга солингандан кейингина таҳлил учун имконият туғилади. Тарихий воқеаларнинг манбалардаги баёни хронологик жиҳатдан бири-бирини тўлдиради.

3. Манбалардаги географик тавсифлар ҳудудий жиҳатдан ҳам бир хил эмас: Ҳофизии Абрунинг “География” асарида Хуросон ва Самарқанд шаҳри ва вилояти, унга қўшни Бухоро ва Кеш вилоятлари, “Бобурнома” да Фарғона водийси, Самарқанд шаҳри ва вилояти, ҳозирги Афғонистон ҳудудида Кобул ва Ғазни вилоятлари, Мирза Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида Мўғулистон, Клавихонинг “Кундалиги”да Мовароуннаҳрнинг шаҳарлари, қисман табиати ва хўжалиги тўғрисида маълумотлар батафсилроқ берилган. Демак тарихий география соҳасидаги изланишлар учун темурийлар даври ёзма манбаларининг ҳар бири маълум бир аҳамият касб этади.

4. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиёнинг Чигатой улуси, Амир Темур ва Темурийлар давлати даврларидаги маъмурий – ҳудудий ҳолати ҳақида маълумотлар мавжуд. Амир Темур давлатининг ташкил топиши билан жаҳон сиёсий картасида янги маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар юзага келди. Соҳибқирон ўз салтанати маъмурий бошқарувида марказий ҳокимиятга бўйсунувчи суюрғол тизимига асосланди, уларни идора қилишни ўғиллари, неваралари, машхур саркардаларига белгилаб берди.

Айни пайтда Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Рум, Миср мамлакатлари бошқарувини ўз ҳукмдорларида қолдирди.

5. Маъмурий-худудий ҳолатдаги суюрғол анъанаси Мирзо Шоҳрух ва Султон Абусаид ҳукмдорликларида ҳам сақланди, бироқ уларнинг кўлами анча кичрайган эди. Хусайн Бойқаро ҳукмдорлиги давридан Мовароуннаҳр ва Хуросон узил-кесил иккита сиёсий-маъмурий бирликка бўлинди. Муҳим маъмурий-худудий ўзгаришлардан бири, Заҳириддин Бобурнинг Афғонистон худудида ўз давлатини ташкил қилганидир.

6. Ёзма манбаларда Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлар табиатидаги иқлим, сувлар, ўсимлик, ҳайвонот олами ҳақида ёзилганлар ўз даври учун хос ва ҳозирги вақтдаги экологик муаммоларни ҳал қилишда маълум аҳамиятга эга. Халқ хўжалигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди: шаҳарсозлик ривожланди, янги суғориш тармоқлари, экин майдонлари, боғлар барпо этилди, янги навлар яратилди; Амир Темур ва унинг авлодлари бунёдкор сулола сифатида тарихда қолди.

7. Амир Темур ва Темурийлар давлатининг халқаро муносабатлари худудий жиҳатдан Мўғулистон, Олтин Ўрда, Миср, Рум, Ғарбий Европа мамлакатлари, Хитойни қамраб олади. Амир Темур мазкур муносабатларда мамлакат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни кўзлаган, Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга муваффақ бўлди, Евросиёда ягона иқтисодий макон шаклланди. Бу анъана Темурийлар салтанатида давом этди, кенгайди; Мўғулистон, Тибет, Хитой, Жанубий Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Урал билан савдо-элчилик алоқалари ўрнатилди.

8. Темурийлар даври манбаларида қайд этилган жой номлари XIV аср иккинчи ярми – XV асрга тегишли ва уларга асосланиб Марказий Осиё бир ярим асрлик топонимик ҳолатини таҳлил қилиш мумкин. Марказий Осиё бўйича қайд этилган табиий объектлар - денгизлар, кўллар дарёлар, кечув (гузар)лар, тўғонлар, кўприклар, коризлар, тоғлар, довлонлар, даралар, тепаликлар, дашт, яйлов, чўл, мавзе, жулга, йўл номларини ва маъмурий-худудий ҳолат ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ топонимлар - вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, кўрғонлар, қасабалар, кичик аҳоли масканлари, боғлар, экинзорлар номларини ўз ичига олади. Улар сон жиҳатдан худудий фарқ қилади; Ҳофизи Абру “География”си ва Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн” асарларида Хуросон бўйича, “Бобурнома” да ҳозирги Афғонистон худуди, Мирза Ҳайдарнинг “Тарихий Рашидий” асарида Марказий Осиёнинг шарқий худудларига оид жой номлари кўпроқ. Манбаларда келтирилган жой номларига асосланиб, топонимларнинг умумий сони ва турлари, битта жойнинг турлича номланиши, вақт кўламида топонимларнинг сақлангани ва ҳозирги давргача етиб келгани ёки тўла ўзгариши ёки қисман ўзгариши, жой номлари этимологияси кабилар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Ушбу тадқиқотдан келиб чиқиб қуйидагилар тавсия қилинади:

1. Марказий Осиё тарихий географиясини маълум даврлар ва аниқ ёзма манбаларга таяниб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

2. Ўтмиш ва бугунги тарихий-географик ҳолатни қиёслаш асосида хулосалар бериш зарур.

3. Темурийлар даври ёзма манбалари маълумотлари асосида тарихий-географик изоҳли луғат яратиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc.27.06.2017. Tar.44.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ ИМЕНИ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ АКАДЕМИИ
НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ ИМЕНИ АБУ РАЙХАНА
БЕРУНИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

На правах рукописи

УДК: 930.2:913(5)

БУРИЕВ АМАНУЛЛА

**ИСТОРИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В
ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ**

07.00.08 – Историография, источниковедение и методы исторического исследования

ДИССЕРТАЦИЯ

**в виде научного доклада на соискание ученой
степени доктора исторических наук**

Ташкент- 2019

Тема докторской диссертации в виде научного доклада зарегистрирована под номером В 2018.4. DSc/Tag 122 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация в виде научного доклада выполнена в Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни АН РУз

Докторская диссертация в виде научного доклада на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на вебстранице Научного совета (www. beruni.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www. ziyonet.uz).

Научный консультант:	Абдухалимов Бахром Абдурахимович доктор исторических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Бабаджанов Бахтиёр Мираимович доктор исторических наук Мадраимов Абдумажид Абдураимович доктор исторических наук, профессор Тожиева Зулхумор Назаровна доктор географических наук (DSc)
Ведущая организация:	Ташкентский государственный педагогический университет им. Низами

Защита состоится “_____” “_____” 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tag 44.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Институте востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирза Улугбека,79. Тел.: (+99871) 262-54-61, факс: (+99871) 262-52-77, e-mail: beruni1@uznet.net).

Докторская диссертация в виде научного доклада зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз, за №_____ с которой можно ознакомиться в библиотеке по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирза Улугбека,79. Тел.: (+99871) 262-54-61.

Докторская диссертация в виде научного доклада разослана “_____” “_____” 2019 г. (реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 г.)

Н.Э.Каримова

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор исторических наук, профессор

О.А.Кариев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат исторических наук

Э.З. НУРИДДИНОВ

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор исторических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация докторской диссертации в виде научного доклада)

Актуальность и востребованность темы диссертации в виде научного доклада. В настоящее время во всем мире все больше угрожающими стали проблемы, связанные с изменением климата и чреватыми всевозможными последствиями, которые могут возникнуть из-за его влияния. Эти проблемы еще раз нашли свое подтверждение в заключении Конвенции, принятой на 21-й конференции Организации Объединенных Наций, проведенной в 2015 г. в Париже, в результате которой ставились определенные обязанности перед государствами - членами этой организации⁷¹. В требованиях данной Конвенции, в свою очередь, намечены задачи по охране природы и разумному использованию природных ресурсов, а также по изучению, на научной основе, экологических изменений, происшедших на нашей планете. Одним из важных направлений проведения подобных исследований является изучение письменных источников, которые дают важные сведения о географических изменениях, имевших место на нашей планете в недалеком прошлом. Подобные письменные памятники, созданные в различных периодах истории, являются не только совокупностью географических знаний, накопленных человечеством в течение веков, но и содержат необходимые сведения о земельно-водных ресурсах, полезных ископаемых, животном и растительном мире, а также об изменении климата.

Среди востоковедческих исследований в мире, сочинения, написанные нашими предками по различным отраслям науки, имеют особое значение. Эти письменные памятники являются первоисточниками в изучении истории региона, в т.ч. Узбекистана в целом, а также его природы, земельно-водных ресурсов, полезных ископаемых и сельского хозяйства. Исследования письменных источников несомненно дают новые научные материалы для изучения как общественно-политической истории и истории культуры, так и этнического состава населения и исторической топонимии Узбекистана.

Научные результаты, получаемые в ходе данного исследования дают возможность пропагандировать в мировом масштабе развитие науки и ряд общественных отраслей в Узбекистане, в т.ч. вклад наших предков в развитие естественных наук и их письменное наследие, создать базу информации на несколько веков о климате и природных ресурсах края и использовать их в современных исследованиях. В Республике имеется потребность в осуществлении реформ, проводимых в научных отраслях, изучении исторической географии территории Узбекистана на основе письменных источников, использовании опыта предков, внесших существенный вклад в развитие науки в области наук о земле. Исследования

⁷¹ www.un.org/sustainabledevelopment/ru/cop21/

в данном направлении имеют важное значение для получения сведений как в области использования природы и земельно-водных ресурсов, так и в формировании у молодого поколения мышления об экологической культуре и охране природы. Исходя из вышеизложенных аспектов данной проблемы, настоящая диссертация в виде научного доклада под заглавием «Историческая география Центральной Азии в письменных источниках эпохи Темуридов» посвящена исследованию исторической географии Центральной Азии в эпоху Амира Темура и Темуридов. Актуальность темы заключается в обосновании мощи государства Амира Темура, кроме военно-политических успехов, также и в разумном использовании в регионе земельно-водных ресурсов, развитии ирригации, сельского хозяйства, градостроительства и инновационных идей, осуществленных в международной логистике.

Данная диссертация имеет определенное значение в выполнении задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7-го февраля 2017 г. №4947⁷², Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 г., №2995⁷³ а также, в соответствующих нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации в виде научного доклада⁷⁴.

Изучение исторической географии Центральной Азии в мире началось с XIX в., и ученые разных отраслей – историки, востоковеды и географы проводили научные исследования в этом направлении, часть из которых касается письменных источников эпохи Темуридов.

Подобные исследования осуществляются в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях, в т.ч. в Академии наук Австрии (Австрия), Академии наук Таджикистана (Таджикистан), в Колумбийском университете (США), в университетах Гамбурга и Байроута (Германия), в Кембриджском университете (Великобритания), в университетах Эге и Медениет (Турция), а

⁷² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // газета "Народное слово", 8 февраля 2017 года, №28 (6692). – С.1.

⁷³ Постановление Президента Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников" // газета "Народное слово", 25 мая 2017 года, №103 (6797). – С.1.

⁷⁴ www.ras.ru; www.oeaw.ac.at; www.anrt.tj; www.columbia.edu; www.uni-hamburg.de; www.uni-bayreuth.de; www.cam.ac.uk; www.ege.edu.tr; www.medeniyet.edu.tr

также в Институте востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан (Узбекистан).

В том числе по географии международных отношений эпохи Амира Темура и Темуридов получены следующие результаты:

В описании системы государственного управления Амира Темура и Темуридов освещены тюркские традиции, политические аспекты дипломатических отношений с соседними государствами (Ege Üniversitesi, Турция); определены причины посольских связей Амира Темура, Шахруха и Улугбека с Китаем в целях восстановления и развития Великого Шелкового пути (University of Tokyo, Япония); исследована история отправления послов из Китая и их путешествий в Самарканд ко двору Амира Темура (University of Columbia, АКШ); изучено прибытие послов из Китая в столицу государства Темуридов город Герат и положение дипломатических отношений между государством Темуридов и Китаем в начале XV в. (University of Hamburg, Германия); система делопроизводства в административных, финансовых и военных учреждениях государства Темуридов (Istanbul Medeniyet Üniversitesi, Турция); в Евразии эпоха Темуридов оценена как период наивысшего развития международных торговых связей по Великому Шелковому пути (University of Cambridge, Великобритания); уделено внимание исторической географии и описанию природы южной части государства Темуридов, т.е. Хорасану и его центру городу Герату. В частности, в ходе проведенных исследований, основанных на источниках того периода, освещено административно-территориальное положение Хорасана в годы правления Темуридов (University of Bayreuth, Германия); изучена география и особенности природы города Кабула, а также его демографическое положение (Институт истории Академии наук Таджикистана, Таджикистан); на основе обобщения материала даны новые заключения об административном устройстве и ирригационной системе столицы государства Темуридов - города Герата (The Institute of Iranian studies at the Austrian Academy of Sciences, Австрия).

Степень изученности проблемы. Историческая география Центральной Азии на основе письменных памятников эпохи Темуридов не было объектом отдельного исследования до настоящего времени. Изыскания в этом направлении состоят из отдельных статей или же изучения того или иного источника⁷⁵. В существующих исследованиях отражены отдельные аспекты исторической географии региона (города, международные торговые пути, топонимия, изучение письменных источников, этническое положение

⁷⁵ При работе над данной темой диссертант опубликовал несколько монографий: *Омонullo Бўриев*. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997 – 165 б.; *О.Бўриев*. “Бобурнома”даги топонимлар изоҳли луғати. – Тошкент: “Наврўз”, 2015 – 140 б.; *Ғиёсиддин Наққош*. Хитой сафари кундалиги. [Матн]. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи *Омонullo Бўриев*. – Тошкент: “Mashhur-press”, 2017. – 160 б. (ўзбек, рус ва инглиз тилларида); *Бўриев Омонullo*. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. [Матн]. Монография. *О.Бўриев*. – Тошкент: “Mumtoz So‘z”, 2017. – 352 б. [харита ва илл.].

территории) и они в той или иной степени дают частичные сведения в разработке проблемы в целом.

Связь темы доклада диссертации с научно-исследовательскими работами научно-исследовательского учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках фундаментальной научно-исследовательской работы ФА-Ф1-027 «Изучение письменного наследия народов Центральной Азии: источниковедческие и текстологические исследования» и научно-прикладного исследования ПЗ-20170922224 «Издание источников по истории Центральной Азии (по письменным источникам фонда ИВ АН РУз)» Института востоковедения АН РУз⁷⁶.

Цель исследования. Исходя из целесообразности научных исследований по исторической географии по отдельным периодам и в региональном аспекте, главной целью настоящей диссертации ставилось изучение исторической географии Центральной Азии XIV-XV вв. на основе письменных источников эпохи Темуридов, а также отдельных научных исследований.

Задачи исследования:

дать краткий обзор исследованиям по исторической географии Центральной Азии и непосредственно анализ работ, касающиеся письменных источников эпохи Темуридов в этом направлении;

определить наличие материала в письменных источниках эпохи Темуридов по исторической географии Центральной Азии и показать его научную значимость;

осветить административно-территориальное и этническо-территориальное положение Центральной Азии на основе письменных источников эпохи Темуридов и показать значимые изменения;

дать оценку научному и практическому значению сведений письменных источников XIV–XV вв. о природе и развитии хозяйства Центральной Азии;

на основе сведений письменных источников дать анализ международным отношениям Центральной Азии в XIV–XV вв.;

собрать топонимы в письменных источниках эпохи Темуридов, систематизировать, выявить их значение в изучении исторической географии Центральной Азии.

Объектом исследования является историческая география Центральной Азии XIV–XV вв.

Предметом исследования являются сведения по исторической географии Центральной Азии в письменных источниках эпохи Темуридов.

Методы исследования. В диссертации использованы методы сбора материала по теме исследования, обобщения фактов, сравнительно-источниковедческого анализа исходя из научно-исторических требований, оформления выводов на основе проведенного анализа.

⁷⁶ Диссертационная работа была начата под руководством моего покойного учителя доктора исторических наук Асома Урунбаева, за что я привожу глубокую признательность.

Научная новизна исследования состоит из следующих:

обоснован такой факт о том, что в период правления Амира Темура и Темуридов придавалось особое значение строительству и развитию городов по следующим трем направлениям: столичные города - Самарканд, Кеш, Герат; города, расположенные по Великому Шелковому пути: 1) Турфан - Аксу - Кашгар, Яркенд - Хотан; 2) Узгенд - Андижан - Ахсикат – Шахрухия; 3) Ташкент - Отрар – Сыгнак; 4) Андижан - Ходженд - Самарканд - Кеш - Термез - Балх – Герат; 5) Самарканд - Бухара - Амул – Мерв; 6) Бухара - Хорезм); города оборонного значения, расположенные вдоль северных и восточных границ Мавераннахра: Сыгнак, Отрар, Ташкент, Шахрухия, Ахсикат, Андижан;

Доказано, что по инициативе Амира Темура, впервые в истории градостроительства Центральной Азии, был разработан и осуществлен на практике план комплексного развития города Самарканда вместе с его окрестностями;

приведены новые обоснованные сведения, касающиеся истории Великого Шелкового пути, а именно: торговые связи по Великому Шелковому пути, прерванные в период правления монголов, к концу XIV в. были восстановлены непосредственно Амиром Темуром, в частности на участках Мавераннахр – Китай и Мавераннахр – Индия, а в период правления Шахруха дипломатические связи по морю охватили южные пределы Индостанского полуострова;

